

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

Тошева Дилрабо Шокировна

**МАВЗУ: БУХОРО ХОНЛИГИ ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИДА ДИНИЙ
УЛАМОЛАРНИНГ ЎРНИ (XVI АСР –XIX АСР 70-ЙИЛЛАРИ)**

Магистр даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**ИЛМИЙ РАҲБАР:
тарих фанлари номзоди,
доцент С.Ғ. Ғиёсов.**

НАВОИЙ-2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-8
1-БОБ. Бухоро хонлиги ташқи алоқаларида диний уламоларнинг роли мавзуси тарихшунослиги ва манбашунослиги	
1.1. Мавзунинг маҳаллий ва хорижий тадқиқотларда ёритилиши.....	8-17
1.2. Масаланинг манбавий асоси ва таҳлили.....	18-29
2-БОБ. Бухоро хонлигининг ички ва ташқи сиёсати ҳамда диний уламоларнинг ўрни	
2.1. Хонликдаги ички вазият ва унга диний уламоларнинг кўрсатган таъсири.....	30-46
2.2. Бухоро хонлиги ташқи дипломатик алоқалари ва унда Нақшбандия тариқати вакиллариининг роли.....	47-59
2.3. Жўйбор хожаларининг хонлик ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларидаги иштироки.....	60-73
Хулоса.....	74-77
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	77-82

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзбек халқи давлатчилик анъаналари тарихи, маданияти ва умуман, узоқ ўтмишни тўлақонли ва ҳаққоний ёритишга бўлган эътибор янада ошди. Айнан мазкур масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифаларидан бири сифатида қайд этилди¹. Шу боис ҳозирги кунда ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётни манбалар асосида ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш муҳим ўрин тутди. 1998 йил 26 июнда Президент Ислам Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар билан ўтказган учрашувидан кейин тарихни ўрганишга бўлган эътибор янада кучайди. Ушбу учрашувда давлат раҳбари ҳаққоний тарихни қайта тиклаш борасидаги энг долзарб масалаларни кўрсатиб берди. Ҳеч қайси бир халқ ўтмишини ўрганмай, ўзининг замон ва макондаги ўрнини аниқ белгилаб олмасдан, насл-насабини, кимлигини билмасдан туриб ривожланиши мумкин эмаслигини айтиб, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” дея таъкидлаган эди². Шунингдек, И.А. Каримов ушбу учрашувда давлатчилик тарихини ўрганиш ва қайта тиклаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифалардан бири эканлигини қуйидагича баён этган эди: “Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда, Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган деб, орқаваротдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтириш учун уринаётган кучлар ҳали бор. Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси, мана шу даъвонинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир”³.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, ва таракқиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 524.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон. 1999. Б. 135.

³ Юқоридаги адабиёт. Б. 139.

Давлатнинг муҳим белгиларидан бири эса бошқа давлатлар билан ташқи дипломатик алоқалар олиб борилишидир.

Ўзбек давлатчилиги тарихида мавжуд бўлган давлатларнинг ташқи алоқалари қайсидир даврда кучайган, қайсидир даврда пасайган ва уларнинг бу соҳадаги ривожланиши ўз даврида бошқа давлатлар орасида тутган обрўси билан боғлиқ бўлган.

XVI-XVIII асрлар Бухоро хонлиги ташқи алоқалари тизимида ўзига хос давр бўлиб, бу хонлик ташқи алоқаларининг шаклланиши ва ўзига хос тарзда ривожланиши билан характерланади. Бу даврда хонлик ташқи алоқалари тадрижий тараққиёти турли кўринишда давом этган. Бухоронинг қўшни ва бошқа турли чет давлатлар билан ўзаро дипломатик муносабатларни ўрнатишида ва олиб борган савдо-иқтисодий алоқаларида, уларнинг кейинги тараққиётида хонликда яшаган турли ижтимоий табақа вакиллари катта рол ўйнаган. Хусусан бу ўринда савдогарлар, диний уламолар ва маъмурий бошқарув тизимининг айрим вакиллари санаб ўтиш ўринли. Бу даврда хонлик пойтахти Бухоро ислом динининг маданий марказларидан бири сифатида эътироф этилган ва ўз-ўзидан алоҳида ижтимоий қатлам ҳисобланган диний уламолар хонликда юқори мавқега эга бўлганлар. Мана шу аснода аввалги даврларда бўлгани каби Шайбонийлар ҳамда Аштархонийлар ҳукмронлик қилган йилларда ҳам мамлакатда кечган сиёсий ва иқтисодий ҳамда маданий жараёнларда диний уламолар фаол иштирок этган. Уларнинг мамлакат ичкарисида олиб борган кенг кўламдаги фаолияти хонликнинг ташқи алоқаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Нисбатан катта ҳудудда салкам уч ярим аср давомида давлат сифатида фаолият юритган Бухоро хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихи, ташқи алоқалари тарихи кўплаб илмий адабиётларда ёритилган бўлсада, афсуски хонликнинг тадрижий тараққиётида муҳим рол ўйнаган диний уламоларнинг ташқи алоқаларга таъсири ҳозирги кунгача алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шу боисдан ушбу мавзуда хонликдаги ички

вазият ва унга диний уламоларнинг кўрсатган таъсири, Бухоро хонлиги ташқи алоқалари ҳолати ва хорижий давлатлар билан олиб борилган дипломатик алоқаларда Нақшбандия тариқати вакиллариининг роли, жўйбор хожаларининг хонлик ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларидаги иштирокини илмий тадқиқ қилиш хонлик ташқи алоқларининг ўзига хос хусусияти ҳамда бу соҳадаги тараққиёт ва инқироз сабабларини кўрсатиб беришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мавзунинг даврий чегараси. Мавзу XVI аср ўрталарида ташкил топган Бухоро хонлигининг ташқи алоқаларида диний уламолар роли масаласининг XIX аср 70-йилларигача бўлган даврини ўз ичига олади. Бухоро хонлиги XVI аср ўрталарида ташкил топган ва XIX аср 70-йилларига қадар мустақил давлат сифатида ташқи алоқаларда иштирок этган.

Диссертация ишининг мақсади ва вазифалари. Мазкур диссертацияда Бухоро хонлигининг ташқи алоқалари ва унда диний уламоларнинг ўрнини очиб бериш асосий мақсад қилиб қўйилган. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги масалалар тадқиқотнинг вазифалари қилиб белгиланди:

- Бухоро хонлигининг ташкил топиши, унинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳаёти ва ташқи дипломатик алоқалари ҳолатини ўрганиш;
- Хонликда диний уламолар фаолиятининг сиёсийлашуви ва бунинг сабабларини таҳлил қилиш;
- Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида жўйбор хожаларининг тутган ўрни ва уларнинг халқаро алоқаларга қилган таъсирини кўрсатиб бериш;
- Манбалардаги ва илмий тадқиқотлардаги маълумотларга таянган ҳолда жўйбор хожаларининг хонлиқнинг ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларга таъсирини ёритиб бериш;

- Кейинги асрларга келиб диний уламолар сиёсий таъсирининг нисбатан пасайиб бориши сабабларини очиб бериш.

Диссертация ишининг илмий янгилиги. Маълумки, тарих фани борасида тадқиқот олиб боришнинг муҳим тамойилларидан бири ушбу жараёнга холислик билан баҳо беришдан иборатдир. Бухоро хонлиги даври тарихига оид бирламчи манбалар ва кейинги давр тадқиқотларини ўрганиш натижасида хонликнинг ички ва ташқи алоқаларида диний уламоларнинг фаолияти комплекс тарзда тадқиқ этилди ва қуйидаги илмий янгиликларга эришилди:

- Катта географик ҳудудни ишғол қилган Бухоро хонлигининг турли хорижий давлатлар билан доимий савдо, дипломатик ва маданий алоқалар олиб боргани ва унда диний уламоларнинг ижтимоий қатлам сифатида иштироки турли манбалардаги маълумотлар орқали таҳлил қилинди;

- Аниқланган маълумотларга асосланиб, XVI-XVIII асрларда диний уламолар, жумладан Жўйбор хожалари хонликнинг Россия, Қозоғистон, Ҳиндистон ва Ёркенд каби давлатлар билан олиб борилган сиёсий, савдо-иқтисодий ва элчилик алоқаларининг ривожланишига кўрсатган таъсири очиб берилди.

- Диссертацияда илк марта диний уламоларнинг ташқи алоқалардаги иштироки хусусиятига кўра 3 турга бўлиниб, классификация қилинди ва у орқали диний уламоларнинг мамлакат ички ва ташқи ҳаётига кўрсатган таъсири ҳамда унинг оқибатлари очиб берилди.

- Бухоро хонлигининг Эрон ва Хуросон давлатлари билан ташқи сиёсий алоқаларининг кескинлашуви ва бунинг сабабларидан бири бўлган диний мазҳаблар ўртасидаги келишмовчиликларда диний уламоларнинг иштироки аниқланди.

Ўрганилаётган мавзунинг назарий-услубий асослари. Мавзуни ўрганиш жараёнида унга ҳаққоний илмий таҳлилга асосланган қараш, холислик, тарихийлик тамойилига, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишга ҳаракат қилинди. Масалани ёритишда И.А. Каримов асарларида, нутқларида илгари сурган ғоя ва фикрлари, шунингдек, манбашунос, тарихчи олимларнинг тарихий-илмий хулосалари назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилди.

Ишининг тузилиши. Диссертация кириш, иккита боб, хулоса ҳамда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I.БОБ. Бухоро хонлиги ташқи алоқаларида диний уламолар роли мавзусининг тарихшунослиги ва манбашунослиги

1.1. Мавзунинг маҳаллий ва хорижий тадқиқотларда ёритилиши

XVI-XIX асрларда Бухоро хонлиги ҳудудий жиҳатдан Марказий Осиёнинг катта қисмини эгаллаган ва минтақа сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнаган давлатлардан бири сифатида Ўзбекистон давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда хонлик тарихи, унинг минтақада тутган ўрни ҳамда бошқа давлатлар билан олиб борган алоқалари тарихи бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Бухоро хонлигининг қўшни ва бошқа хорижий давлатлар билан муносабати, унинг ўзига хос хусусияти юзасидан турли илмий ишлар нашр этилди. Шайбонийлар, Аштархонийлар ҳамда Манғитлар даврида хонликнинг савдо-дипломатик ва маданий алоқалари динамикаси ва унга таъсир кўрсатган факторлар хусусида бир қатор фикрлар илгари сурилган. Шунингдек, амалга оширилган тадқиқотларда муаллифлар алоқалар тараққиёти борасида сўз юритаркан, бу жараёнга турли ижтимоий табақа вакиллари билан бирга диний уламоларнинг ҳам таъсири кенг бўлганлиги ёзилган. Шу билан бирга ушбу тадқиқотларда айрим даврларда хонлик ташқи сиёсий ва иқтисодий муносабатларига тариқат вакиллариининг аралашуви юқори даражага кўтарилганлиги ва бу Бухоронинг бошқа давлатлар билан муносабатлари тизимига жиддий таъсир кўрсатганлиги таъкидланган. Бироқ бу масала амалга оширилган ишларнинг асосий тадқиқот объекти бўлмаганлиги сабабли уларда диний уламоларнинг бу соҳадаги фаолиятлари батафсил ёритилмаган. Тадқиқотга тортилган мавзу бугунги кунгача Ўзбекистон тарихчилари томонидан алоҳида масала сифатида чуқур тадқиқ этилмаган бўлса-да, аммо аввал таъкидланганидек, кўплаб тарихчи ва шарқшунос олимлар ўз тадқиқотларида масаланинг айрим томонлари хусусида ўз фикрларини баён қилишган. Хусусан бу каби маълумотларни

- 1) Бухоро хонлиги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тарихига бағишланган тадқиқотларда;
- 2) Хонлик ташқи алоқалари тарихи тадқиқ этилган ишларда;
- 3) Марказий Осиёдаги тасаввуф тарихи ва диний уламолар фаолияти ёритилган илмий нашрларда учратиш мумкин.

Бухоро хонлиги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихига оид асарларда ушбу тадқиқот объекти қилиб олинган мавзуга оид маълумотлар қисқача, у ёки бу масала нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинган. Бундай маълумотларни биз Р.Г. Мукминова, О.А. Сухарева, Г. Аъзамова каби тарихчи олимларнинг тадқиқотларида, Тарих институти “Ўрта асрлар даври тарихи” бўлими томонидан нашр этилган “Ўзбекистон тарихи (III жилд)” коллектив монографик нашр, ЮНЕСКО ташкилоти томонидан чоп этилган кўп жилдлик академик нашрнинг 5 томида учратишимиз мумкин¹. Р.Г. Мукминованинг вақф ҳужжатлари асосида тайёрланган “К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам “Вакф-наме” номли монографиясида жўйбор хожаларининг хўжалигига оид вақф ҳужжатларини кенг илмий муомалага тортган². Р.Г. Мукминова томонидан ёзилган “Central Asia: History of Civilizations” номли кўп жилдлик асарнинг бешинчи жилдида XVI-XVIII асрларда Бухоро хонлиги тарихи қисмида ҳам диний уламоларнинг хонликда кечган жараёнлардаги ролига кенг тўхтаб ўтилган. Хусусан унда ҳукмрон табақа вакиллари қаторига диний уламолар ҳам киритилиб, уларнинг баъзилари

¹ Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана конца XV-начала XVI вв. - Ташкент: Фан, 1985. - 136 с; Мукминова Р.Г. Традиции взаимосвязей по Шелковому пути в позднефеодальный период // На среднеазиатских трассах Великого Шелкового Пути (Очерки истории и культуры) - Ташкент: Фан, 1986; Сухарева О.А.: Бухара XIX-начало XX вв. Москва, 1966. Изд. "Наука" 330 ст; Агзамова Г.А. Среднеазиатские центры торговли и пути, связывавшие их Россией (вт. пол. XVI - пер. пол. XIX вв.): Дис. ... кан. истор. наук. - Ташкент, 1990. - 195 с; История Узбекистана. Т. III. (XVI - пер. пол., XIX вв.) / Отв. ред. Р.Г. Мукминова. - Ташкент: Фан, 1993. - 476 с; Mukminova, R.G. "Central Asia: History of Civilizations". / UNESCO Publishing/History of civilizations of Central Asia. Vol.5, 2003

² Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI веке - Вакфнаме. - Ташкент, 1966. - 354 б.

ўзларини Муҳаммад (с.а.в) пайғамбар авлодлари-саййидлар деб ҳисоблаганлиги таъкидланган. Олиманинг ёзишича, шу асосда бу номдаги жамоа хонликда фахрли ўрин тутган. Диний уламоларнинг бошқа бир гуруҳи эса хожалар деб аталиб, улар ўз келиб чиқишларини Муҳаммад пайғамбарнинг издошлари-халифалардан бирининг номи билан боғлаганлар. XVI аср бошларидан бошлаб хонликда энг мулкдор хонадон Жўйбор хожаларининг таъсири анча сезиларли бўлган ва улар хонликда ҳал қилувчи ролни ўйнай бошлаганлар. Хонликнинг диний ҳуқуқий масалалари билан шуғулланувчи шайхулислом лавозимига ҳам одатда айнан шу табақа вакиллари тайинланган¹.

Бухоро хонлигининг сўнгги асрлардаги тарихини тадқиқ қилган О.А. Сухарева Бухорода Нақшбандия сўфийлик тариқатининг маънавий ҳаётга таъсири ҳақида маълумот беради². Муаллиф ўз тадқиқотида хонликдаги маъмурий-диний бошқарувни таҳлил қиларкан, XIX-асрга келиб *хожа калон* мансабининг йўқолиб кетганлиги, бунга сабаб эса Бухор амирлари уларнинг давлатга катта таъсир қилишидан чўчиганларини таъкидлайди. Шу ўринда юқори мавқега эга бўлган бу лавозимга олдинги асрларда жўйбор хожалари тайинланганини қайд этиб, уларнинг тарихига қисқача тўхталган³.

Г. Аъзамованинг Бухоро хонлигининг Россия билан боғловчи карвон йўллари хусусидаги тадқиқотларида, ўзбек давлатчилиги тарихининг бошқа масалаларига бағишланган бир қатор илмий мақолаларида диний уламолар фаолиятининг айрим жиҳатларига тўхталган⁴. Бухоро хонлиги ташқи алоқаларига оид тадқиқотларни амалга оширган хорижлик олимлар қаторига

¹ Mukminova R.G. History of civilizations of Central Asia. Vol.5, 2003. -P.49.

² Сухарева О.А.: Бухара XIX-начало XXв. -С.287.

³ Сухарева О.А.: Бухара XIX-начало XXв. -С..292.

⁴ Агзамова Г.А. Среднеазиатские центры торговли и пути связывавшие их Россией (вт. пол. XVI - пер. пол. XIX вв.): Дис. ... кан. истор. наук. — Ташкент, 1990; Агзамова Г.А. Волжско-Каспийский путь в Хиву и Бухару / Позднефеодальный город Средней Азии. - Ташкент: Фан, 1990.

О. Бертон, И. Тоган, М. Абусейтова, С. Леви, М. Сарай, Д. Девиз кабиларни киритиш мумкин¹. О. Бертоннинг тадқиқотида 1550-1702 йилга қадар Бухоро хонлигидаги сиёсий вазият, сулолалар, ҳукмдорлар тарихи, хонликнинг қўшни давлатлар билан олиб борган дипломатик ва савдо алоқалари ёритилган. Олима тадқиқот давомида хонликда юқори мавқега эга бўлган Жўйбор хожалари фаолиятига алоҳида тўхталиб, улар хонликнинг ташқи савдо алоқаларига катта таъсир ўтказганлигини алоҳида таъкидлайди². Туркиялик тарихчи И.Тоган ўзининг мусулмон савдогарлари тўғрисидаги мақоласида эса Бухоро хонлигининг Қошғар, Ҳиндистон, Эрон, Дашти Қипчоқ ва Россия билан олиб борган мунтазам алоқалари борасида сўз юритар экан, ушбу савдо алоқаларида Нақшбандия тариқатига мансуб савдогарлар етакчилик қилишгани ҳақида тўхталади ва ушбу сўфийлик тариқатининг баъзи вакиллари юқоридаги давлатлар сиёсий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутганини тадқиқ қилади³.

Маҳаллий тадқиқотчилардан И. Низомутдинов, Х. Ғуломов, И. Саидахмедов, Г. Султоноваларнинг хонлик ташқи алоқларининг турли масалалари тадқиқ этилган ишларида ҳам суфийлик тариқати вакиллари бу соҳадаги фаолиятларига оид маълумотларни учратиш мумкин.

И.А. Саидахмедовнинг Бухоро хонлигида юқори мавқега эга бўлган жўйбор хожалари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат ар-ризвон ва ҳадиқат ал-ғилмон» асарининг хонлик тарихини ўрганишдаги ролини очиқ беришга қаратилган тадқиқоти ҳам

¹Burton O. The Bukharans: A dinastic, diplomatic and commercial history (1550-1702). - Great Britian: CURZON, 1997. – 664 p; Togan. I. Inner Asian muslim merchants at the closure of the Silk Routes in the seventeenth century./ UNESCO Publishing/; Абусейтова М.Х. Казахстан и Центральная Азия в XV-XVII веках: История, политика, дипломатия. – Алма-Ата: Дайк Пресс, 2000; Scott C. Levi. Ivdian Diaspora in central Asia and its trade, 1550-1900. – Leiden, 2002; Deweese D. The mashaich-i turk and the Khojagan: rethinking links between Yasavi and Naqshbandi sufi traditions. Jurnal of Islamik Studies.7:2 . 1996; ¹ Deweese D. The mashaich-i turk and the Khojagan: rethinking links between Yasavi and Naqshbandi sufi traditions. Jurnal of Islamik Studies.7:2 . 1996; the deskendants of Sayyid Ata and the rank of Naqib in Central Asia. Journal of the American society. Vol.. 115. No. 4. 1995.–P. 612-634.

² Burton O. The Bukharans: A dinastic, diplomatic and commercial history (1550-1702). - P. 51-65.

³ Togan. I. Inner Asian muslim merchants at the closure of the Silk Routes in the seventeenth century. - P.249

Жўйбор хожалари ижтимоий-сиёсий ва хўжалик фаолиятига бағишланган ишлар орасида ўзига хос ўринни эгаллайди¹. У Бадриддин Кашмирийнинг юқоридаги асарини илмий тадқиқ қилиш жараёнида Жўйбор хожаларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеини ёритади. Шайбонийларнинг Жўйбор хожаларига ёзган мактубларини чуқур таҳлил қилади ва уларнинг илмий-маърифий, тарихий аҳамиятини очиқ беради. Муаллиф томонидан 130 дан ортиқ мактуб ва ёрлиқлар илмий изохлар билан рус тилига таржима қилинган². Бу таржималар хонадон вакиллариинг хатлараро алоқалардаги фаолиятини, уларнинг сиёсий-иқтисодий мавқеини янада чуқур ўрганиш учун аҳамиятлидир.

Г.Султонованинг Бухоро хонлигининг Ёркенд ва Қозоқ хонликлари билан олиб борган алоқалари тадқиқотида бағишланган диссертацион ишда ҳамда бошқа бир қанча илмий мақолаларида Бухоро хонлигининг XVI-XVIII асрлардаги ташқи алоқалари, бу алоқаларда диний уламоларнинг ўрнига оид бир қанча маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, муаллиф ўз тадқиқотида жўйбор хожалар нафақат ички, балки халқаро миқёсда ҳам йирик савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланишган ва амалда хонликнинг ички ва ташқи савдосини назорат қилишган, Жўйбор шайхларининг савдо қарвонлари Буюк Ўпак йўли йўналиши бўйлаб то Қозон, Москва, Қашғаргача кириб борган, дея таъкидлайди³.

Бугунги кунда ўрта асрларда Марказий Осиёдаги тасаввуф илми, диний уламолар фаолияти, турли сўфийлик тариқатлари, жумладан Нақшбандия тариқати вакиллариинг ижтимоий хўжалигини тадқиқ қилувчи тадқиқотлар XX аср бошларида янада кенгайди ва бу даврда айнан ушбу масала юзасидан

¹ Саидахмедов И. Письма Шейбанидов – важный исторический источник: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 1994. – С. 14-17.

² Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2007. - Б. 8.

³ Sultanova G.N. Trade relations between Bukhara and Yarkand Khanates in the 16th and early 17th Century' to be submitted at the *Journal of International Institute Central Asian Studies*.-P.

фундаментал ишлар амалга оширилди. Хусусан, В.Л. Вяткиннинг диний уламоларнинг йирик вакили Хожа Ислон (1493-1563) мисолида Жўйбор хожалари хўжалиги ёритиб берилган монграфик тадқиқотида ушбу хонадон вакилларининг хонлик ички ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб берувчи кўплаб маълумотларни учратиш мумкин¹.

Шунингдек, бу борада шарқшунос олим Е.Э. Бертельс ва П.П. Ивановларнинг бу борадаги илмий тадқиқотлари жаҳон шарқшунослигида юқори баҳоланади. Уларнинг ишида Нақшбандия тариқатининг йирик вакиллари - жўйбор хожалари ҳаёти ва фаолияти тадқиқ этилган. Жўйбор хожалари фаолиятига оид ишларнинг илк муаллифларидан бири Е.Э. Бертельс таҳрири остида эълон қилинган “Из архива шейхов Джуйбари” номли китобида Жўйбор хожаларининг шахсий архивида сақланаётган ҳужжатлар асосида, уларнинг хўжалиги, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги роли очиб берилган².

Диний уламоларнинг давлат ички ҳаётидаги фаолиятини атрофлича ўрганиш борасида таниқли шарқшунос олим П.П. Ивановнинг хизматлари каттадир. Жўйбор хожалари хонадони тарихини ўрганиш П.П. Иванов илмий фаолиятида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. “Матлаб ат-толибин” кўлёзма асарини тадқиқ қилиш жараёнида олим жўйбор хожалари хонадонининг ижтимоий-иқтисодий фаолиятини батафсил ёритади³.

Рус тадқиқотчилари томонидан бошланган бу иш кейинчалик ўзбек тарихчи ва шарқшунос олимлари Б. Аҳмедов, Л. Раҳмонова, Ҳ. Тўраев, Б. Бобожонов томонидан давом эттирилди. Б. Аҳмедов ўз мақолаларида жўйбор хожалари хўжалиги иқтисодий пойдеворининг барпо этилишига эътибор қаратиш билан бирга хожаларнинг Шайбоний ва Аштархоний хонларининг Ҳиндистон, Қошғар, Эрон ҳукмдорлари билан муносабатларида катта рол

¹ Вяткин В.Л. Шейхи Джуйбари. Ходжа Ислам. – Ташкент. 1927.

² «Из архива шейхов Джуйбари» Материалы по земельным и торговым отношениям Ср. Азии в XVI в. Изд. Инст. Востоковедения АН СССР. – М., -Л., 1938.

³ Иванов.П.П. Хозяйство Джуйбарских шейхов. Изд. АН СССР, – М-Л, 1954. 377.

ўйнаганлиги, хонадон мулки яхлитлигини сақлаб қолиш мақсадида улар билан ўзаро қуда-андачилик ипларини боғлашга ҳаракат қилганлигини таъкидлайди¹.

Тадқиқотчи Л. Раҳмонова илмий фаолияти давомида эълон қилинган мақолаларда Жўйбор хожалари вақф ҳужжатлари чуқур таҳлил қилиниб, хожазодаларга, айниқса Хожа Ислонга тегишли мулкларнинг умумий тасвири чизиб берилади. Л. Раҳмонованинг номзодлик диссертацияси ҳам Жўйбор хожалари хўжалик ҳаётини ҳужжатлар асосида таҳлил қилишга бағишланган². Ушбу тадқиқот натижасидан диний уламоларнинг иқтисодий ҳаётдаги иштироки ва ташқи иқтисодий алоқаларга таъсири ҳақида баъзи бир маълумотларни учратиш мумкин.

Бу мавзуда илмий тадқиқот олиб борган яна бир олим Ҳ. Тўраев бўлиб унинг бир қатор мақолалари, докторлик диссертациясида шу мавзуга бағишланган маълумотлар кўплаб учрайди. Олим ўз тадқиқотларида Бадриддин Кашмирийнинг “Равзат-ар ризвон ҳадиқат ул ғилмон”, Ҳусайн ас-Сарахсийнинг “Маноқиби Саъдия”, Муҳаммад Толибнинг “Матлаб ат-толибин” каби қўлёзма асарларидаги маълумотларга таяниб, ушбу хонадон вакиллари тарихи, сиёсий фаолияти ва маънавий ҳаётга таъсирини атрофлича ёритиб берган³.

Б.Бобожонов ва француз олимаси М.Шуппе ҳаммуаллифлигида ёзилган монография эса Жўйбор хожалари хилхонаси - Чорбакр эпиграфикаси ва шу ёдгорликка тегишли вақф ҳужжатларини ўрганишга бағишланган. Шунингдек Б.Бобожонов тасаввуф илми ва тариқат вакиллари диний-

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент. 1994. – Б. 29.

² Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни. док. дисс. автореф. – Б.7.

³ Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Тошкент. 2007; Тўраев Ҳ. Джуйбариды в общественно-политический жизни Бухарского ханства. //Ўзбекистон тарихи. 2005. № 4 – С.19-20.

маънавий фаолиятлари бўйича амалга оширилган кўплаб илмий тадқиқотларнинг ҳам муаллифидир¹.

Тасаввуф тариқати вакиллариининг диний-сиёсий фаолияти кўпгина хорижлик тадқиқотчилар томонидан ҳам ўрганилган. Бундай олимлар каторига биз Р. Макчезни, Д.Девиз, И.Тоган, Б. Абу Маннеҳ каби олимларни киритишимиз мумкин. Р. Макчезнининг Эрон энциклопедиясига ёзган мақоласида Жўйборий хожалар ҳақида: “Ушбу оила Бухоро хонлиги иқтисодиётида карвонсаройлар, дўконлар, бозор ва ҳаммомлар қуриш, сотиб олиш, ижарага бериш ишлари билан шуғулланганлиги туфайли катта роль ўйнаган. Бундан ташқари кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам эга бўлганлар, улар ўз маҳсулотларини савдо карвонлари орқали Москва каби узоқ ўлкаларга юборганлар. Бухоронинг Эрон ва Ҳиндистон билан олиб борган савдо –дипломатик муносабатларида воситачилик қилган”, дея умумий фикрни айтиб ўтган². Р. Макчезни Жўйборийларнинг сиёсий ҳаётдаги роли ҳақида А.Женкинсон томонидан биринчилардан бўлиб хабар берганини ёзади. Муаллифнинг таъкидлашича, Женкинсон Муҳаммад Ислоннинг кучли таъсиридан ҳайратга тушган ва уни шаҳар метрополити деб атаган ва уни қиролдан кўра кўпроқ таъсирга эгалигини ёзган.

Шунингдек Р. Макчезни тадқиқотида Жўйборий хожаларнинг хонлик маънавий ҳаёти тараққиётида тутган ўрнини кўрсатиб берувчи маълумотлар ҳам мавжуд. Муаллиф улар ҳақида ёзилган асарларни санаб, Амир Ҳайдар Балхий Давлатободийнинг ҳам шу ҳақда иккита мақомот ёзгани, улардан бири Хожа Саъдга бағишланганини қайд этади.

Америкалик яна бир олим Д.Девиз тасаввуф илми ва унинг вакиллариининг фаолияти ёритилган йирик тадқиқотлар муаллифи ҳисобланади³. Унинг Хожাগон тариқатидаги айрим ички зиддият ва қарама-

¹ Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни. док. дисс. автореф. – Б.8-9.

² MkChesny R. Juybaris. Published by Encyclopaedia. Iranika Foundation Ink., – New York. – P.263.

³ MkChesny.R. Juybaris. Encyclopaedia. Iranika -P.263-264.

қаршиликлар сабабини тадқиқ этилган асарларида айнан диний уламоларнинг мамлакат ички сиёсий, диний ҳаётидаги ролини кўрсатиб берувчи қимматли маълумотлар мавжуд¹.

Туркиялик шарқшунос тарихчи олима И. Тоган эса Нақшбандия тариқатидаги мусулмон савдогарлар фаолияти тадқиқ этилган мақоласида шундай ёзади. ”Ўрта Осиёда янги бир феномен пайдо бўла бошлади, мусулмон савдогарлар гуруҳи сиёсий жараёнлардан алоҳида ўзаро тариқатлар ичида ҳам кураш олиб боришарди. Бу курашларда Нақшбандия тариқати шубҳасиз, етакчилик қиларди.”² Муаллифнинг ушбу фикри бевосита тасаввуф тариқати вакиллариининг аксарияти савдо-сотиқ билан шуғулланганлигини тасдиқлайди.

Бошқа бир тадқиқотчи Б. Абу Маннеҳ эса Нақшбандия тариқатининг XVIII-XIX аср бошларидаги ҳолати, Нақшбандия-муҷаддида тариқати шайхлари тўғрисида жуда қимматли маълумотларни келтиради³.

Хорижда амалга оширилган тадқиқотлар қанчалик илмий қимматга эга бўлмасин, уларнинг аксариятида тасаввуфга ижтимоий ҳодиса сифатида қаралиб, унинг жамият маънавий-ахлоқий жараёнларидаги ижобий аҳамияти четлаб ўтилади. Ҳ.Тўраев таъкидлаганидек, бу ғарб тасаввуфшунослигининг заиф томонларидан бири бўлса керак. Шунга ўхшаш ёндашувни немис олими Ю. Паулнинг Хожа Аҳрор Вали фаолияти акс этган тадқиқотида ҳам учратиш мумкин. Хусусан олим, Хожа Аҳрор Валининг фаолиятига фақат иқтисодий асосларини таҳлил қилган ҳолда хулосалар чиқаради⁴.

¹ Dewese D. The mashaich-i turk and the Khojagan: rethinking links between Yasavi and Naqshbandi sufi traditions. Jurnal of Islamik Studies.7:2 . 1996; The deskendants of Sayyid Ata and the rank of Naqib in Central Asia. Journal of the American society. Vol.. 115. No. 4. 1995.–P. 612-634.

² Togan. I. Inner Asian muslim merchants at the closure of the Silk Routes in the seventeenth century.-P.250.

³ Butrus Abu –Manneh. Transformations of the Naqshbandiyya. 17th -20th century.-P.304-308.

⁴ Тўраев.Ҳ . Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни. Док. дисс. автореф.Т, 2007. –Б.9;

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бухоро хонлигининг иқтисодий, ижтимоий ҳаёти, ташқи дипломатик ва сиёсий алоқалари тўғрисида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Аммо бизнинг тадқиқот объекти қилиб танлаб олинган масала алоҳида диссертацион тадқиқот қилиб ўрганилмаган. Ваҳоланки, қарийб беш аср давомида ўз мавқеини мустаҳкам ушлаб турган бу табақа вакиллари нафақат Ўрта Осиё хонликлари ички-иқтисодий ҳаётида, балки, хонликлар ва уларга қўшни бўлган давлатларнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларида, қолаверса, маънавий-ахлоқий жараёнларга ўз таъсирларини ўтказа олганлар.

1.2. Мавзунинг манбавий асоси ва таҳлили

Бухоро хонлиги ташқи алоқаларида диний уламоларнинг роли тўғрисида маълумот берувчи манбаларни хусусиятига кўра икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси, диний уламоларнинг ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий фаолиятига бағишланган махсус асарлар: Булар Бадриддин Кашмирийнинг “Равзат ар-ризвон, ҳадиқат ал-ғилмон” (“Жаннат боғи ва ўрмон маҳрамлари”) (XVI аср), Ҳусайн ас-Сарахсийнинг “Маноқиби саъдийа” (“Саодатли Хожа Ислом маноқиби”) (XVI аср), Абу Аббос Муҳаммад Толибнинг “Матлаб ат-толибин” (“Ҳақ изловчилар мақсади”) (XVII аср) асарларидир. Мазкур асарлар маълумотлари тадқиқотчилар томонидан қисман илмий муомалага тортилган. Иккинчиси, Бухоро хонлиги тарихи акс этган ва диний уламолар тўғрисидаги айрим ёки умумий маълумотларни ўз ичига олган манбалар. Бунга Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий” (XVI аср), Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” (XVI аср), Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” (XVI аср), Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” (XVI аср), Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” (XVII аср), Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдулланнома” (XVIII аср), Абдурахмон Давлат Толенинг “Тарихи Абулфайзхон” (XVIII аср), Мирза Абдулазим Сомийнинг “Тарихи салотини Манғитийя” (XIX аср) ва бошқа асарлари киради. Бундан ташқари ўша даврда Марказий Осиёга турли мақсадларда ташриф буюрган Ғарб элчи, савдогар ҳамда миссионерларнинг ҳисобот, эсдалик ва сафарнома кўринишидаги асарлари, XVI- XIX асрда хонликда тузилган вақф ва нотариал идоралар ҳужжатлари ҳамда давлатлараро ёзишмаларни ҳам ана шу манбалар сирасига киритиш мумкин.

Бу даврга тегишли ёзма манбалар орасида форс тилида битилган асарлар нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. XVI-XIX асрлар давомида яратилган бу асарларнинг маълум қисми бугунги кунда тарихчи-шарқшунос олимлар томонидан ўзбек ҳамда рус тилларига таржима қилинган. Бироқ, аксарият қисми ҳанузгача қўлёзма шаклида сақланмоқда.

Ўрганилаётган масала бўйича ўзида қимматли маълумотларни акс эттирган, Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат ар-ризвон ва ҳадиқат ал-ғилмон» асарини киритиш мумкин. Ҳозирда асарнинг ягона асл нусхаси (автограф) ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида №2094 инвентар рақами остида сақланмоқда. Б. Аҳмедовнинг Марказий Осиёда яратилган тарихий-географик асарлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган йирик тадқиқотида ва Д.Ю. Юсупова, Р.П. Жалиловалар томонидан тузилган Шарқ қўлёзмалар тўпламининг «Тарих» қисмида асар муаллифи ва манбанинг тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар берилган¹.

Жами 552 бетдан иборат ушбу асар муқаддима, 7 бўлим ва хотимадан иборат бўлиб, жўйбор шайхларининг котиби, асли кашмирлик Бадриддин ибн Абд ас-Салом ал-Ҳусайни ибн Саййид Иброҳим ал-Кашмирий томонидан жўйбор шайхлари ва Абдуллахон II номига турли мамлакат хонлари, вилоят ҳокимлари ва бошқа турли тоифа вакилларида келган хатлар ва муаллиф гувоҳ бўлган ёки ишончли кишилардан эшитган ўша давр воқеалари асосида ёзилган. Асар асосан Бухоро хонлиги ҳаётида юқори мавқега эга бўлган Хожа Ислон (1493-1563) ва Хожа Саъд (1531-1589)ларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлса-да, XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт, шунингдек, Қозоқ, Ёркенд хонликлари, Эрон, Туркияда содир бўлган айрим воқеалар, ҳукмдорлар тўғрисида муҳим маълумотларни беради². Манбанинг кўпроқ

¹Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзоди. - Т., 2005. --Б.22.

²Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзоди. - Т., 2005.-- Б.24.

диққатимизни тортган қисми бу жўйбор шайхлари номига бошқа вилоят ҳокимлари, чет давлат хонлари ва юқори табақа вакилларида келган хатларни ўзида жамлаган бўлими ҳисобланиб, Бухоро хонлигининг бошқа давлатлар, хусусан Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан олиб борган алоқаларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф бошқа давлат ҳукмдорлари ва ҳокимларидан 35 йил ичида жами 550 та хат келганлигини таъкидлаб, асарининг бешинчи бўлимини айнан уларга бағишлаган. Ушбу бўлимнинг ўзи саккиз қисмга ажратилиб, бешинчи қисмида, Ёркенд хонлигидан келган хатлар берилган. Манбанинг яна бир қимматли томони шундаки, муаллиф ўз асарининг алоҳида қисмида бошқа давлатлардан жўйбор хожаларига атаб ёзиб жўнатилган рубоийларни келтирган. Унинг ичида Қозоқ ва Ёркенд хонлигидан келган матлаъ, рубоийлар ҳам мавжуд, деб таъкидлайди Г.Султонова ўз тадқиқотида¹.

Яна бир ўрта асрларда яшаган муаллиф - Хусайн ас-Сарахсийнинг “Маноқиби саъдийа” асарида Бухоро хонлигининг XVI асрдаги ижтимоий-маънавий ҳаёти, айниқса Жўйбор хожаларининг йирик вакили Хожа Иломнинг ижтимоий-маънавий фаолияти алоҳида ёритилади. Асарнинг кўлёзма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида 1439/I рақами остида сақланади. “Маноқиби саъдийа”нинг дастлабки тадқиқотчиси академик Б.А. Аҳмедовдир. У Балх вилояти тарихига бағишланган тадқиқотида асардаги маълумотлардан кенг фойдаланган².

Асар мукаддима ва олти бобдан иборат. Биринчи бобда Хожагон тариқати ва унинг асослари тўғрисида маълумот берилади. Иккинчи боб Хожа Иломнинг аجدодлари тарихига бағишланган бўлиб, унинг шажараси келтирилади. Учинчи бобда Хожа Иломнинг таваллуд топиши ва болалик

¹ Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзоди. - Т., 2005. --Б.24, 25.

² Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. –Б.255 -260.

йиллари, тўртинчи бобда эса унинг қозоқлар юртига сафари баён этилади. Бешинчи боб Хожа Ислонм ҳаётининг интиҳоси, олтинчи боб унинг фарзандлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Хожа Ислонмнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда тутган ўрни, мавқеи, Шайбоний султонлари билан муносабати, Нақшбандия тариқати шайхи сифатидаги маънавий-руҳий фаолияти, ахлоқий камолот поғоналарини забт этишдаги саъй-ҳаракатлари, XVI аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазият каби масалаларни ўрганишда “Маъноқибӣ саъдийа” асари муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф Хожа Ислонм таржимаи ҳолини жуда яхши билганлиги боис, унинг болалик ва ўсмирлик йилларидаги воқеаларни батафсил баён қилади.

Асар Бухоро тахти учун Шайбоний султонлари ўртасидаги ўзаро кураш ва бунда Хожа Ислонмнинг мурасасозлик фаолияти тўғрисида қатор тарихий маълумотларни ўзида мужассам қилади. Асар маълумотларига кўра, Хожа Ислонмнинг Хоразм диёрига сафари даврида унинг томонидан бу ердаги султонлар ўртасидаги ўзаро низо ва жанжалларга барҳам берилган. “Маноқибӣ саъдийа” асари Хожа Ислонмнинг йирик диний арбоб, тариқат пешвоси, нодир қобилият соҳибӣ сифатида жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни, шунингдек маънавий-маданий ва ижтимоий тарихнинг қатор масалаларини ўрганиш, янгича талқин ва мушоҳада қилишда ёрдам берувчи муҳим манбадир¹. Юқоридаги асарда учраган маълумотлар XVI асрда диний уламоларнинг ушбу вакиллари нафақат Бухоро хонлигидаги, балки Мовароуннаҳр ва унга қўшни бўлган давлатларнинг ҳам маданий-маънавий ҳаётига таъсир кўрсатгани ҳақида дарак беради.

¹ Тўраев.Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни..... док. дисс. автореф. –Б.18,19.

Жўйборийлар тўғрисида муҳим маълумот берувчи кўлёзма асарлардан бири хонадон тарихчиси Муҳаммад Толибнинг «Матлаб ат-толибин» асари ҳисобланади. Мазкур асар ва ундаги маълумотларни В.Л. Вяткин , П.П. Иванов, Б.А. Аҳмедов, Р.Г. Мукминова, С. Левай каби олимларнинг тадқиқотларида учратиш мумкин¹.

Тадқиқотларда ёзилишича, асар муаллифи Абдулаббос Муҳаммад Толиб (1607 йилда туғилган) Жўйбор хожаларининг йирик вакили Хожа Тожиддин Ҳасаннинг кенжа ўғли эди. У тахминан 1665 йилларда ўз асарини ёзиб тугатган. Буни ёзишда манба сифатида Бадриддин Кашмирийнинг “Равзат ар-ризвон, ҳадиқат ал-ғилмон”, Ҳусайн ас-Сарахсийнинг “Маноқиби саъдийа”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий” асарларидан фойдаланган. Шу билан бирга, Жўйбор хожалари хонадонига яқин ва уларга хизматда бўлган кишиларнинг хожазодалар тўғрисидаги оғзаки маълумотларидан истифода этган. “Матлаб ат-толибин” юқорида тилга олинган асарларда учрамайдиган қатор маълумотларни ўз ичига олиши билан қимматлидир. Чунки муаллифнинг ўзи асарда эслатиб ўтиладиган кўп хожазодалар билан замондош, баён этилган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган ва иштирок этган эди. Бир сўз билан айтганда, “Матлаб ат-толибин” асари Жўйбор хожалари хонадонининг XVI аср охири ва XVII аср 60-йилларигача бўлган ижтимоий-хўжалик, маънавий-сиёсий ҳаётини ўрганиш учун қимматли манба ҳисобланади.

Муаллиф таъкидига кўра, асар қуйидаги саккиз бобдан иборат: биринчи боб Хожагон силсиласи баёни, иккинчи боб Хожагон силсиласи вакиллариининг насл-насаби, учинчи боб Эшон Калон (Хожа Ислон)нинг

¹ Вяткин В.Л. Шейхи Джуйбари. Ходжа Ислам. Ташкент, 1927. Иванов.П.П. Хозяйство Джуйбарских шейхов.- М-Л,1954. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. –Т.–Б.29-6. Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана конца XV-начала XVI вв. - Ташкент. – 136 с; Scott C. Levi. Indian Diaspora in central Asia and its trade, 1550-1900. – Leiden. –P..28-46.

таваллуд топиши, камолотга эришуви ва вафоти, тўртинчи боб Хожа Саъд, бешинчи боб Хожа Тожиддин, олтинчи боб Абдурахим Хожа, еттинчи боб Абди Хожа, саккизинчи боб Муҳаммад Юсуф Хожа таржимаи ҳолига бағишланган.

Асарда Жўйбор хожалари шажарасига катта ўрин берилган. Унда хожазодаalar аждоди бўлган олийнасаб имом Абу Бакр Саъд, унинг таржимаи ҳоли, соҳиби каромат бўлганлиги асарда алоҳида таъкидланган.

Хожа Саъднинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-хўжалик фаолияти асарнинг катта қисмини ташкил этади. Отаси вафотидан сўнг унинг Жўйбор хожалари хонадонининг ҳақиқий ворисига айланиши ва катта мол-мулк соҳиби бўлиши билан боғлиқ шарт-шароитлар атрофлича акс эттирилган. Унинг Бухоро хони Абдуллахон II билан муносабатларига алоҳида эътибор қаратилган.

Муаллиф Абдуллахон II томонидан Хожа Саъдга кўрсатилган илтифотлар, бунинг нишонаси сифатида унга Бадахшон вилоятининг инъом қилинишини алоҳида қайд қилиб ўтади. Асарнинг катта қисми Хожа Тожиддин фаолияти баёнига бағишланган. Муаллиф унинг Жўйбор хожалари хонадонининг Хожа Саъддан кейинги энг нуфузли вакили ва бошлиғи сифатидаги ўрнини алоҳида қайд этган ҳолда таржимаи ҳолини батафсил баён қилади, юриш-туриши, турмуш тарзи, ахлоқий сифатларини ибрат этиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Хожа Тожиддиннинг болаликдаги зеҳн-заковати, зукколиги, илмга интилувчанлиги, чиройли хуснихат соҳиби бўлганлиги каби ижобий хислатлари муаллиф назаридан четда қолмаган.

Хожа Тожиддиннинг мол-мулки тўғрисида “Матлаб ат-толибин”да қимматли маълумотлар мавжуд. Унинг мулкининг географияси нечоғли кенг бўлганлиги, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг кўп жойларида Хожа Тожиддинга тегишли кўчмас мулк мавжудлиги асар маълумотларидан аён бўлади. Даромад манбаи бўлиб хизмат қилган чорва моллари, вақфлар, ижарага берилган ерлар ва ҳоказолар миқдори қайд этилган. Бухородаги Жўйбор маҳалласини обод қилишда Хожа Тожиддиннинг хизматлари

эътироф этилади. Чунончи, бу ерда курдирилган хунармандчилик дўконлари, бозор расталари, янги турар жойлар шулар жумласидандир . Унинг томонидан амалга оширилган хайрли тadbирлар, чунончи масжид, мадраса, саройлар бунёд этиш тўғрисида “Матлаб ат-толибин”да диққатга сазовор маълумотлар учрайди¹.

“Матлаб ат-толибин” асарини Жўйбор хожалари хонадонининг XVI аср охири ва XVII аср биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий мавқеи тўғрисида чуқур маълумот берувчи қимматли манба сифатида баҳолаш мумкин. Бундан ташқари, асар муаллифи Хожа Тожиддин фаолиятини тасвирлай туриб, унинг уйидаги меҳмондорчиликларда хорижлик меҳмонлар, элчилар, ҳокимлар ҳам иштирок этишини ёзади. Шулардан келиб чиқиб, биз бу асарни диний уламоларнинг ташқи сиёсий ва маънавий алоқалардаги фаолияти ҳақида маълумот берувчи манба сифатида қабул қила оламиз.

Юқорида қайд этилганидек, тадқиқотга тортилган масалага оид айрим маълумотларни ўзида жамлаган асарлар гуруҳига авваламбор Ҳофиз Таниш Бухорий (1549 йилда туғилган - 1630-40 йиллар орасида вафот этган)нинг «Абдулланома» асари бўлиб, ҳозирда асарнинг Тошкент, Санкт-Петербург, Боку, Душанбе ва Британия музейида бир нечта нусхалари сақланмоқда. 1942-1952 йилларда шарқшунос олим С. Мирзаев томонидан асарнинг Тошкент нусхаси таржима қилинган. Аммо Б. Аҳмедовнинг маълум қилишича, асарнинг Тошкент нусхаси тўлиқ бўлмай, 1583 йил воқеалари билан тугалланган². Ушбу асар устида чуқур тадқиқот олиб борган М.А. Салоҳетдинованинг фикрича, «Абдулланома»нинг Санкт-Петербург, Боку ва Душанбе нусхалари 1584-1588 йил воқеаларини ҳам ўз ичига олган тўлиқ нусхалар

¹ Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тугган ўрни. док. дисс. автореф.--Т. –Б.21,22.

² Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. С. 47-49; см. также. СВР. История. С. 139.

хисобланади¹. 1960 йилларда Ю. Ҳакимжонов томонидан Тошкент ва Боку нусхалари солиштирилган ҳолда ўзбек тилига таржима қилинган. Асар таржимасининг 1 ва 2 жилдлари зарур тузатишлар ва изоҳлар билан 1966, 1969 йилларда Б. Аҳмедов таҳрири остида чоп этилган. Кейинчалик, 1999-2000 йилларда Б. Аҳмедов томонидан ушбу таржима, изоҳ, иқтибосларига зарур қўшимчалар киритилган ҳолда қайта нашрдан чиқарилган². Асарнинг Санкт-Петербург нусхаси эса 1983 ва 1989 йилларда М.А. Салоҳетдинова томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1 ва 2- жилдлари форс тилидаги мантнни билан биргаликда нашрдан чиққан. Асарнинг рус тилидаги таржимасининг қолган жилдлари чоп этилмаган.

Б. Аҳмедов тўғри таъкидлаганидек, Ҳофиз Танишнинг «Абдулланом» асари Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон каби давлатларнинг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда катта ўрин тутди ва фактик материалларга бойлиги, тарихий воқеаларнинг атрофлича ёритилиши билан ўша даврнинг бошқа асарларидан тамоман ажралиб туради³. Асар айниқса, XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт тўғрисида қимматли маълумотларни беради. «Абдулланом» асари муаллифи Абдуллахон II саройида яшаб, ижод қилган. Муаллифнинг таъкидлашича, у асарини шахсан ўзи гувоҳ бўлган ёки ишончли кишилардан эшитган маълумотлари асосида ёзган. Асарда кўпроқ Қозоқ хонлиги билан олиб борилган дипломатик, ҳарбий иттифоқчилик, савдо ва маданий алоқалар борасида асосли маълумотларни учратиш мумкин⁴. Шунингдек, тадқиқот жараёнида ушбу асарда Абдуллахон II нинг марказлашган давлат барпо этиш мақсадида Хоразм, Бадахшон, Балх каби қўшни вилоятлар

¹ Ҳофиз-и Таныш ибн Мир Мухаммад Бухари. Шараф-нама-йи шахи. / Факсимиле рукописи Д 88 перевод с персид. введение, примечания и указатели М.А. Салоҳетдиновой. В 4 ч. – Москва: Наука, 1983, ч. 1. С. 17.

² Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом / Иккинчи нашр. Нашрга тайёрловчи акад., Б. Аҳмедов. – Тошкент: Шарқ. 1-китоб; 1999; 2-китоб – 2000.

³ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. 1-китоб. -Б. 3.

⁴ Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзоди. - Т., 2005. Б.28-29.

устига юриши, бундай ҳолатларда диний уламоларнинг у ёки бу масалани ҳал қилишга кўрсатган таъсири, элчиликлар, хатлараро алоқаларда иштирокига оид муҳим маълумотларни учратиш мумкинки, бу бизга ўрганилаётган масалани чуқурроқ англашга имкон беради.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланом” асари Жўйбор хожаларига бағишланган махсус асарлар сирасига кирмаса-да, унда хожазода, жумладан, айрим бобларда Хожа Ислон, Хожа Саъд тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ҳофиз Таниш Жўйбор хожаларининг йирик вакиллари тўғрисида маълумот беришда мақомотлардан манба сифатида фойдаланган.

Муаллиф Хожа Ислоннинг оилавий шажарасини тўлиқ келтирган ҳолда Нақшбандия тариқатидаги маънавий-руҳий шажараси баёнига ҳам эътиборни қаратади. Унинг маънавий пирлари ҳақида маълумот бериб ўтган. Шунингдек, Хожа Саъд тўғрисидаги маълумотлар “Абдулланом”нинг кўп ўринларида учрайди. Маълумотлар асосан анъанавий усулда келтирилади. Яъни Хожа Саъд таърифи, унинг ижобий хислатлари кенг ёритилган. Умуман Жўйбор хожаларининг бу икки вакили тўғрисида асарда келтирилган маълумотлар XVI аср иккинчи ярмида юз бераётган сиёсий воқеалар фонида акс эттирилган.

А. Ўринбоев, Р.П. Жалилова ва Л.М. Епифановалар томонидан рус тилига таржима қилиниб, нашр этилган Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарида¹ асосан XVI аср биринчи ярмида Марказий Осиёдаги воқеалар баён қилинган бўлсада, уни XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро ва Ёркенд муносабатларининг қайта тикланиши ва мустаҳкамланишига замин бўлган алоқалар ҳақида маълумот берувчи манба сифатида санаб ўтиш ўринлидир. Ушбу асарнинг 2010 йилда академик А.Қаюмов масъул муҳаррирлигида В.Раҳмонов ва Я.Эгамовалар тарафидан ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилиши кенг китобхонлар ва

¹ Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Та’рих-и Рашиди./Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой, примечания и указатели Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996. --С. 185, 425-439 и др.

тарихчиларни ундан фойдаланиш имкониятини кенгайтирди. “Тарихи Рашидий”нинг бошқа тарихий асарлардан фарқ этувчи хусусияти шундаки, унда ҳукмдорлар тарихи талқини билан узвий равишда турли даврлардаги диний-руҳоний пешволик вакиллари-пир- муршидларининг ҳам ўзига хос сулолалари фаолияти ўз аксини топгандир. Чингиз томонидан Қорақурумга кўчирилган Мавлоно Шужоъиддин Маҳмуддан бошлаб, Туғлуқ Темурхонга исломни қабул қилишига сабабчи бўлган Мавлоно Аршадиддин, унинг авлодидан Хожа Тожиддин, Хожа Муҳаммад Юсуфларгача бу тарихда маълумотлар бор.

Уларнинг энг машҳурлари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва Хожа Нуро бўлиб ҳисобланадилар. Хожа Убайдуллоҳнинг содиқ муриди - Хожа Нуро нафақат диний-руҳий жабҳанинг буюк арбоби, айти пайтда ўз замонининг машҳур табиби ҳам бўлиб ҳисобланади. Чунки у Шарқ мамлакатларининг илм-фан марказларида бўлиб, тиббиёт соҳасининг энг мўътабар устозларидан сабоқ олган ва бирга хизмат ҳам қилган. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо у кишининг каромату табобати ҳақида жуда кўтаринки руҳда фикр юритади.

“Тарихи Рашидий ” муаллифи ўз китобида кўпгина диний арбоблар ва уларнинг асарларига ўрин ажратади. Уларнинг фаолиятини эл-юрт халоскорлигини таъминлашда, маънавий-маърифий жабҳада шоҳу гадога тенг таъсир ўтказишда кузатади. Ўз эътиқоди манбаи ва шахсий ютуқларини шу пири муршидлар фаолиятлари шарофатидан кўради. Биз бирор тарихий асарда диний устозларга бу даражада кенг ўрин ажратилганини билмаймиз¹.

Асарда тадқиқот доирасига тортилган мавзунинг диний уламоларнинг ташқи маънавий ва маданий алоқалардаги роли ва иштироки масаласига оид кўплаб маълумотлар мавжуд.

XVIII асрга тегишли бўлган тарихий манбалар орасида “Тарихи Муқимхоний” асари ҳам мавзуга тааллуқли бир қанча маълумотларни ўзида

¹ Муҳаммад Ҳайдар мирзо “Тарихи Рашидий” /Кириш, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари, таржимонлар: Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова. -Тошкент, 2010.-Б.10,11.

муҳассам қилган¹. Асар 1956-йилда А.Семёнов томонидан рус тилига таржима қилинган бўлиб, унда 1702-1707-йилларда Балхнинг мустақил ҳукмдори бўлган Муҳаммад Муқимхон тарихи, фаолияти, шу билан бирга XVIII аср бошларида Балх ва унга қарашли бўлган ҳудудлар, Бухоро хонлиги ва Аштархонийлар сулоласидаги сиёсий курашлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Шу билан бир қаторда “Тарихи Муқимхоний” асарида Нақшбандия сўфийлик тариқати вакиллари ушбу тарихий даврдаги фаолияти, уларнинг давлатлараро ички ва ташқи муносабатларга, маънавий-маданий жараёнларга кўрсатган таъсири ҳақида қимматли маълумотлар бор. Аммо А.Семёнов ўтган асримизнинг 50-йилларидаги атеистик мафкурадан келиб чиққан ҳолда сўфийлик тариқатлари ҳақида салбий муносабат билдирган². Олимнинг фикрича, сўфийлик номи билан машҳур диний таълимот аслида ислом динидан анча йироқ ва муриднинг ўз пирига кўр-кўрона бўйсунуши билан характерланади. Тадқиқот давомида биз ушбу маълумотларни ҳолисона баҳолашга ҳаракат қилдик.

Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” асари Аштархонийлар давридаги Бухоро хонлиги тарихи тўғрисида қимматли маълумотлар берувчи асарлардан бири ҳисобланади³. “Тарихи Муқимхоний” асари билан деярли бир даврда ёзилган ушбу асар бизга ўрганилаётган мавзуга оид маълумотларни бошқа муаллиф назари билан ҳам қараш, уларни қиёсий таҳлил қилиш имкониятини беради. “Убайдуллонома” асаридаги кўплаб маълумотлар диний уламоларнинг бу даврдаги таъсирини инкор этмаган ҳолда Жўйбор хожалари нуфузининг Убайдуллохон томонидан анча пасайтирилишига оид муҳим ўзгаришлар қилинганлиги ҳақида хабар беради.

¹ Муҳаммад Юсуф Мунши. “Муқим-ханская история” Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А.Семенова. Издательство Академии Наук УзССР, --Ташкент. 1956.

² Муҳаммад Юсуф Мунши. “Муқим-ханская история” Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А.Семенова. --Т. 1956, -С.13.

³ Мир Муҳаммад Амин Бухари. “Убайдуллонаме” Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А.Семенова. Издательство Академии Наук УзССР, --Ташкент. 1957.

Диний уламолар тўғрисидаги маълумотларни қамраб олган манбалар ўз йўналиши, характери, мазмуни, савияси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилсада, кўп ҳолларда улар бир-бирини тўлдиради, воқеа-ҳодисаларга аниқлик киритади ва масалани қиёсий ўрганиш имконини беради. Аммо воқеа-ҳодисаларни баён этишда ўрта аср тарихнавислигига хос хусусиятлар - муболаға, бўрттириш, шайхлар фаолиятига ортиқча баҳо бериш, уларни илоҳийлаштириш ҳолатлари ҳам учрайди. Тилга олинган асарлар муаллифлари ўз асарларини мавжуд тарихнавислик, мақомотнавислик ва тазкиранавислик анъаналари доирасида ёзишган бўлса-да, бу асарлар алоҳида олинган хонадон, ҳукмдор, сулола тарихига бағишланганлиги ва умуман XVI-XIX асрлардаги ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёт тўғрисида кенг маълумотларга эга бўлиши билан муҳим аҳамият касб этади. Ушбу асарларда, жумладан, диний уламоларнинг ташқи сиёсий алоқаларнинг муҳим кўринишлари бўлган хатлар ва ёзишмалардаги иштироки, ташқи иқтисодий алоқаларда эса халқаро савдо- сотиқ, товар ишлаб чиқариш, хусусий мулкчилик соҳаларидаги фаолияти ҳақида кўплаб маълумотларни учратиш мумкинки, тадқиқот давомида улардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик.

II боб. Бухоро хонлигининг ички ва ташқи сиёсати ва унда диний уламоларнинг ўрни

2.1 Хонликдаги ички вазият ва унга диний уламоларнинг кўрсатган таъсири

Ўзбек давлатчилигининг тарихий тараққиёти давомида сиёсий, иқтисодий ва маданий мавқега эга бўлган бир қанча марказлашган давлатларга асос солинган. Бу давлатлар нуфузи жиҳатдан бир-бири билан тенглаша олмаса-да, ҳар бирининг ўзига хос ўрни бор. XVI аср иккинчи ярмида ўзбек давлатчилиги тарихида Абдуллахон II (1583-1598) томонидан ана шундай марказлашган давлатга асос солинди¹. Тарихчи Б. Аҳмедов Мовароуннаҳр Шайбонийлар қўлига ўтгандан сўнг Убайдуллахон даврида (1533-1539) пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилганини, шу даврдан бошлаб Муҳаммад Шайбоний асос солган бу давлат Бухоро хонлиги номини олганлигини ёзади². Ўша вақтларда хонликка ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон, Балх ва Бадахшон кирар эди. Убайдуллахон вафотидан кейин хонлик майда қисмларга бўлиниб кетди. Бухорода Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон, Самарқандда эса Кўчқинжихоннинг ўғли Абдуллатиф мустақиллик эълон қилдилар. Балхда Шайбонийлардан Пирмуҳаммадхон мустақил ҳукмронлик қилар эди. Шу йиллари шайбоний султонлар ва маҳаллий ҳокимларнинг ҳокимият учун кураши кучайди. Тошкент ва Туркистонда Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон), Кармана ва Миёнқолда

¹ Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан...ном.дис.яси. - Т., 2005. -Б.40.

² Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар.-Т,1994,-Б.406.

Искандархон, Балхда Пирмуҳаммадхон ва бошқалар мустақил бўлиб олдилар. 1551-1556 йилларни ўз ичига олган бу курашларда Искандар султоннинг ўғли Абдуллахон II ғолиб чиқиб, Бухоро хонлигида ўз ҳокимиятини ўрнатди¹. Тарихий манбаларда айнан мана шу даврдан бошлаб диний уламоларнинг мамлакат ички сиёсий-ижтимоий ҳаётига фаол аралашувига доир кўплаб маълумотларни учратамиз. Аслида диний уламо ва шайхларнинг сиёсий жараёнларга аралашуви ўрта асрларда шарқ ва ғарб давлатлари учун одатий ҳодиса бўлиб, бу немис олими Флориан Шварц томонидан айтилган “Шайхсиз империя йўқ” ибораси билан ифода этилади. Ушбу фикр бошқа бир немис олимаси - Анке фон Кюкельген томонидан қўллаб қувватланади². Шу нуқтаи назардан қараганда, темурийлар даврида Хожа Аҳрор (1404-1490), Муҳаммад Шайбоний ва Убайдуллахон даврида Мавлоно Муҳаммад Қози (вафоти - 1516 й.) ва Махдуми Аъзам Хожа Косоний (1461-1542) ларнинг сиёсий ҳаётга таъсири катта бўлди. Искандархон ва Абдуллахон II даврига келиб эса диний уламоларнинг бошқа бир вакиллари - Хожа Ислон ва Хожа Саъдларнинг сиёсий ҳаётга таъсири ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди, десак янглишмаймиз. Хўш, жўйбор хожалари номи билан машҳур бу уламолар ким ўзи, улар қандай қилиб бунчалик юксак мавқени қўлга киритганлар, деган ўринли савол туғилади. Улар Нақшбандийлик тариқатининг вакиллари бўлиб, бу ном Хожа Муҳаммад Ислоннинг бобоси Хожа Муҳаммад Яҳё Бухородаги Жўйбор деган ерга кўчиб келиши билан боғлиқдир. Жўйбор хожалари ўзларини ислон динини тарғиб қилиш учун Маккадан Нишопурга, ундан Бухорога келган Имом Али Муртазо авлодлари деб ҳисоблаганлар. Жўйбор хожаларидан Абу Бакр Саъд ва унинг авлодларига Сомонийлар даврида

¹ Ахмедов Б.Тарихдан сабоқлар.-Т,1994,-Б.406.

² Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг туганган ўрни....док.диссерт. –Т,2007. --Б.75.

Бухоронинг “шайх ул-исломи” деган мансаб берилади. Абу Бакр Саъднинг невараси Муҳаммад Ислом жўйбор хожаларининг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан катта нуфузга эга бўлишида асосий роль ўйнайди. У XVI асрнинг 50 йилларида Шайбонийлар давлатидаги тож-тахт учун бўлган курашларга аралашиб, ўз муриди Абдуллахон II нинг тахтга чиқишига ёрдам беради¹.

Бухоро хонлиги Абдуллахон II даврида ҳудудий жиҳатдан кенгайиб, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан марказлашган давлатга айланди ва минтақада унинг сиёсий мавқеи ортди. Бухоро шаҳри узил-кесил пойтахт мақомини олди. Абдуллахон II Балх (1573), Тошкент (1582), Фарғона (1583), Бадахшон (1584), Кўлоб (1585), Хуросон (1588), Хоразм (1595-1596) устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди, марказий давлат аппаратини мустаҳкамлади. XVI аср охирларига келиб, хонлик марказлашган улкан феодал давлатга айланди. Чегаралари шарқда Қошғар билан, ғарбий ҳудуди Орол ва Каспий денгизи соҳилларигача бориб туташди. Хонликнинг шимолдаги чегаралари Туркистон ва Сайрамгача етиб, жанубда Хуросоннинг шарқий қисмини ўз ичига оларди. Бу ҳақда ўша даврда ёзилган манбаларда кўплаб маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, XVI аср иккинчи ярмида Марказий Осиёдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт тўғрисида маълумот берувчи Ҳофиз Танишнинг «Абдулланом» асаридаги қуйидаги маълумотлар фикримизни тасдиқлайди: «Қошғар вилояти чегарасидан то Хоразмгача ва Дашти Қипчоқ чегарасидан то Қандаҳор этагигача бўлган ерлар, бутун Мовароуннаҳр, Хуросон, Туркистон ва Хоразм унинг [Абдуллахоннинг] тобелигига ўтди»². Шунингдек, Шоҳ Маҳмуд Чуроснинг «Тарих» асарини таржима қилган О.Ф.Акимускин асарга ёзган сўзбошисида; «...бу ерда (Ёркенд хонлигида) қўшни Мовароуннаҳрдагичалик марказлашган давлат йўқ эди», деб фикр билдирган³. Шарқшунос олим В.В. Бартольд эса

¹ Жўйбор хожалари. Ислом Энциклопедияси, -Тошкент, 2003. -Б.87.

² Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. 1-китоб. -Б.169.

³ Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан. ном.... дис. яси. -Тошкент, 2005. -Б.40.

«Абдуллахон II бошқаруви камдан- кам содир бўладиган воқеа бўлиб, гарчи у ўз ҳокимиятини қаттиққўллик ва ҳарбий куч асосида барпо этган бўлса-да, нафақат бутун Мовароуннаҳрни, балки Хуросон ва Хоразмни бирлаштириб, кучли давлат тузди», дея таъкидлаган¹. Албатта, Абдуллахон II ўз фаолияти давомида айрим илмий адабиётларда уларга “тожсиз ҳукмдорлар” дея таъриф берилган диний уламоларнинг мададига таянган². Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланом”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний”, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдулланом” номли асарларида ҳам Хожа Муҳаммад Ислом ички курашларда Абдуллахон II ни қўллаб-қувватлаши ёки Абдуллахон II нинг Бухорода ҳокимиятни қўлга олиш учун Хожа Исломдан ҳомийлик қилишни сўрагани ҳақида кўплаб маълумотларни учратиш мумкин³. Бундан ташқари, юқоридаги асарларда Абдуллахон II ва ундан кейин мамлакатни бошқарган аштархонийлар даврида юксак мавқега эга бўлган бошқа диний уламолар, масалан, Қосим шайх, Хожа, Хожа Муҳаммад Тоҳир, Хожа Ҳошим, Хожа Абдурасул каби кўплаб бошқа диний уламолар фаолияти маълум бир воқеаларни баён қилиш жараёнида тилга олиб ўтилади⁴. Бундан кўринадики, бу даврларда нафақат жўйбор хожалари, балки бошқа диний уламолар ҳам хонликдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этганлар.

Маълумки , Абдуллахон II вафотидан сўнг, 1598 йил Бухоро тахтини қўлга олган Абдулмўмин султон мамлакатни қатағон қилди, отасига яқин кишиларни ўлдиртирди, кўпларни эса қувғин остига олди. “Тарихи Муқимхоний” асарининг муаллифи унинг тахтга чиқишини ҳеч ким

¹ Бартольд В.В. Узбекские ханства / Соч. В 9 т. - Москва: 1963. Т. II (1). --С. 269; Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан. ном...дис.яси.-Т., 2007.-Б.41.

² Қаранг: Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқимханская история.-Т., 1969.-С.8

³ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. -Б. 148,387; 223, 227, 269. Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқимханская история. – Т., 1969. -С. 59,249; Мир Муҳаммад Амин Бухари. Убайдулланоме. – Т., 1957. -- С. 44.

⁴ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом.-Б.221-222,269. Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқимханская история. – Т., 1969. –С.61,78; Мир Муҳаммад Амин Бухари. Убайдулланоме. – Т., 1957. -С. 161,166.

истамаганлигини, лекин жоҳиллигидан кўрқибгина уни тахтга ўтказганликларини айтади¹. Абдулмўмин султон эса шунга қарамай, жўйбор шайхларидан ҳомийлик қидирди, олти ойгина ҳукмронлик қилганига қарамасдан, шу қисқа давр ичида 5-6 марта Сумитанга ташриф буюриб, хожаларга катта хайр эҳсонлар қилди². Аммо керакли ҳимояни тополмаган Абдулмўминхон саройдаги ички низолар туфайли ўлдирилди. Абдулмўмин султондан кейин тахтга чиққан Пирмуҳаммадхоннинг ҳокимиятини маҳаллий ҳокимлар тан олмади. Натижада марказий ҳокимият шайбонийларга қариндош бошқа бир сулола - Аштархонийлар кўлига ўтиб кетди. Сулолар алмашинуви жараёнидаги тартибсизликлар, ички зиддиятлар жўйбор хожаларини ҳам бефарқ қолдирмасди, албатта. Катта ер-сув, ҳисобсиз мол-мулк эгалари сифатида мамлакатда тартиб ўрнатилиши улар учун ҳам зарурият эди. Мана шундай вазиятда Аштархонийларга сиёсий ҳимоя бериш вазифасини Абди хожа Жўйборий (Муҳаммад Ислоннинг набираси, 1580-1607) ўз зиммасига олади. Бухоро хонлигига асосий даъвогар - Боқимуҳаммадхон бу вақтда Самарқандда эди. Абди Хожа Самарқандга борди ва унинг хизматига кирди. Уларнинг дўстлиги шу тариқа бошланди. Амалда эса бу дўстлик Абди Хожанинг Боқимуҳаммадга ҳимоясини, керакли вақтда ўзаро қўллаб-қувватлашни англатарди. Ҳатто, бу дўстликни мустаҳкамлаш ва бир-бирига бўлган ишончни тасдиқлаш мақсадида Боқимуҳаммадхоннинг синглисини Абди Хожа ўз никоҳига олди. Аммо бу дўстлик ва қариндошлик иплари Боқимуҳаммадхон (1601-1605) Бухоро тахтига мустаҳкам ўрнашиб олгандан кейин дарз кета бошлади. Мамлакатда Абди Хожанинг нуфузи ошиб бораётганидан ташвишга тушган Боқимуҳаммадхон уни мамлакатдан бадарға қилади³. Абдиҳожанинг сиёсий

¹ Муҳаммед Юсуф Мунши. Муқимханская история. -Т, 1969. -С.69.

² Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни.... док. дисс.яси. -Т, 2007. -Б.67,140.

³ Тўраев Ҳ. Ўзбекистон тарихи журнали. 2005-й, 4-сон. Джуйбариды в общественно-политический жизни Бухарского ханства.// Ўзбекистон тарихи//2005-й, №4. -С.19-20

нуфузи кескин тушиб кетади. Шунга қарамай, сиёсий саҳнада бошқа бир жўйборий - Хожа Тожиддин Ҳасан (1574-1646) пайдо бўлди. Ҳ. Тўраев Валимуҳаммадхон (1605-1611) ўз жиянлари бўлмиш маҳаллий ҳукмдорлар - Имомқулихон (1611-1642) ва Нодирмуҳаммад (1642-1645) билан олиб борган сиёсий курашларида Хожа Тожиддин Ҳасаннинг ҳомийлигига таянганини таъкидлайди; ... Хожа Тожиддин Ҳасан Валимуҳаммаднинг Балхда бош кўтарган Имомқулихон ва Нодирмуҳаммад исёнини бостириш мақсадида сўраган илтимосини ерда қолдирмади ва бу ишни хоннинг ўзига бўлган ишончини ошириш мақсадида муваффақиятли бажарди¹. Юқорида номи тилга олинган олим Хожа Тожиддиннинг Имомқулихонга ҳам ҳомийлик қилганини, ушбу аштархоний ҳукмдор ҳар қандай фитна ва исёни Хожа Тожиддиннинг кўмагида бостирганини айтади². Аммо “Тарихи Муқимхоний” асаридаги маълумотлар бунга бир оз шубҳа билан қарашимизни тақозо қилади: “... Валимуҳаммад душманлари билан жанг қилмади ва тунда икки ўғли билан Хуросон орқали Эрон ҳукмдори шоҳ Аббос ҳузурига қочиб борди. Шоҳ Аббос уни ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олди ва унинг илтимосига кўра 80 000 қизилбош кўшинни Имомқулихонга қарши жўнатди. Имомқулихон бу хабарни эшитиб ғам ва ташвиш гирдобидида қолди ва азизлар қутби бўлмиш ҳазрати эшон - Хожа Ҳошимнинг ҳузурига йўл олди. Бу вақтда эршодлик маснади ушбу ҳазратнинг муборак номи билан безалган эди.... Эртаси куни ул ҳазрат (Хожа Ҳошим) барчани қизилбошларга қарши муқаддас урушга чорлади... ҳазратнинг қароматлари туфайли шаккоклар устидан ғалаба қозонилди. Валимуҳаммад асирга тушди ва Имомқулихоннинг олдига келтирилди. Имомқулихон бўлаётган ишлардан хайратда эди ва нима қилишни билмасдан ҳазрат шайхдан маслаҳат сўради. Ул ҳазратнинг маслаҳати билан Валимуҳаммаднинг боши танидан жудо

¹Тўраев.Ҳ.Ўбекистон тарихи журнали.2005-й,4-сон.Джуйбариды в общественно-политический жизни Бухарского ханства.// Ўбекистон тарихи//2005-й,№4.-С.19-20.

²Тўраев.Ҳ.Ўбекистон тарихи журнали.2005-й,4-сон.Джуйбариды в общественно-политический жизни Бухарского ханства.// Ўбекистон тарихи//2005-й,№4.-С.19-20.

қилинди....¹». Ушбу келтирилган маълумотда шуларни билиш мумкинки, Хожа Тожиддиннинг Валимуҳаммадга бўлган ҳомийлиги ҳар доим ҳам омадли бўлмаган, Имомқулихон тахт учун курашда бошқа бир диний хонадон вакили – Хожа Ҳошимнинг (Махдуми Аъзамнинг набираси - Д.Тошева) ҳомийлигига таянган ва тахтни унинг ёрдамида эгаллаган. Валимуҳаммадга ҳомийлик кўрсатиб келган Хожа Тожиддиннинг қандай қилиб тез орада унинг азалий душмани - Имомқулихоннинг ишончига ўтиши ва унга ҳомийлик қилиши, Имомқулихоннинг эса ўз ҳомийси Хожа Ҳошим қолиб, Хожа Тожиддиннинг паноҳига ўтиши бироз мунозарали, албатта. Эҳтимол, Аштархоний ҳукмдорлар катта иқтисодий имкониятлар ва беҳисоб муридларга эга бўлган бу уламолар билан ҳисоблашишга мажбур бўлгандирлар².

Аштархонийларнинг кейинги вакиллари, яъни Надрмуҳаммад (1642-1645), Абдулазиз (1645-1681), Субҳонқулихон (1681-1702) ҳукмронлиги даври хонликда ўзаро ички феодал урушлар, тахт учун курашлар, вилоят ҳокимларининг мустақилликка интилиши билан характерланади. Имомқулихоннинг укаси, Балх ҳокими Надр Муҳаммад атиги уч йил мамлакатни бошқарди, чунки у қозоқларга қарши юриш қилганида Хўжанддан чиқиб кетиши билан бир гуруҳ амирлар ўғли Абдулазизни хон қилиб кўтардилар. Надр Муҳаммадхон ўзининг 12 нафар ўғлига Балхнинг айрим туманларини мулк сифатида, қолган туманларни эса амирларга бўлиб берди, шундай қилиб феодал тарқоқликни янада кучайтирди. 1658, 1662 - йилларда хонлик хиваликларнинг қаттиқ ҳужумига дучор бўлди³. Ўша йили хиваликлар Бухоро воҳасига икки марта бостириб кириб, Қоракўлни таладилар, кўплаб кишиларни асирликка олдилар, ҳатто Карманани вайрон

¹Мухаммед Юсуф Мунши.Муқимханская история.-Т,1969.-С.14,81,82.

² Бу ерда “Тарихи Муқимхоний ” муаллифи янглишаётган бўлиши ҳам мумкин. Чунки муаллиф яшаган давр билан қаламга олинган воқеалар ўртасида 70-80 йиллик фарқ бор.

³ История Узбекистана.Т..3. -Ташкент. 1993, --С. 62- 63.

килдилар. 1662 йилда Бухоро хони Абдулазизхон Хива хони Абулғозихон билан сулҳ тузди. Бироқ Абулғози вафотидан сўнг ҳам унинг ўғли Ануша Бухорога ҳужум қилиб турди. Хива билан узоқ давом этган урушлар хонликнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатди ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни мураккаблаштириб юборди. Қариб қолган ва хасталанган Абдулазиз мудофаани ташкил этолмади. Субхонқулига тахтни қолдириб, Маккага жўнади. Субхонқулихон ҳукмронлиги даврида Хива билан олиб борилган муваффақиятсиз урушлар Бухорода ҳокимият инқирозини келтириб чиқарди. Субхонқулихон ўғиллари ўртасида Балх учун кураш бошланиб, унда маҳаллий амирлар ҳам иштирок этишди. Субхонқулихон Бадахшон ҳокими Маҳмудбий оталиқ ёрдамида Бухородан хиваликларни қувиб чиқарди¹. Хонликдаги сиёсий низолар, ўзаро урушлар натижасида Бухоро хонлиги янада заифлашди. Аштархонийлар ҳукмронлигининг бу даврига келиб, Жўйборийлар жамиятда ўз мавқеларини сақлаб қолишга ҳарчанд уринмасинлар, Хожа Тожиддиндан кейин хонадон обрўи аввалги даражасига кўтарила олмади. Гарчи, ижтимоий маънавий ҳаётда Муҳаммад Юсуф Хожа, Муҳаммад Толиб Хожа, Муҳаммад Яҳё сингари хожазодалар маълум бир мавқега эга бўлишсада, сиёсий-иқтисодий ҳаётда уларнинг роли анча чеклаб қўйилган эди. Ҳ. Тўраев ўз тадқиқотида Бухоро хони Имомқулихон фаолияти Хожа Тожиддинни унчалик қониқтирмаганлигини “Матлаб ат-толибин” муаллифи алоҳида таъкидлаганлигини ёзган. Гўё Имомқулихон керакли қонун ва зобитларга эга бўлмаган. Лекин Хожа Тожиддин билан Имомқулихон ораларига совуқлик тушишига хожалар мулкани тафтиш қилиш тўғрисида Имомқулихон томонидан берилган буйруқ сабаб бўлган бўлиши керак. Хожа Тожиддин Имомқулихон тақдирини башорат қилиб, унинг ҳаёти Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳаёти сингари якун топишини айтади. Хоннинг кўзи ожиз бўлиб қолишининг сабаби Хожа Тожиддин башоратига йўйилади. Хонадон

¹ История Узбекистана. --Т. 1993. -С.63.

тарихчисининг маълумотларидан хўжазода билан хон ўртасида муносабатлар носамимий тус олганлиги маълум бўлади¹. Фикримизча, жўйборийларнинг давлат ишларига ҳаддан зиёд аралашуви, иқтисодий имкониятларини ҳар қандай йўллар билан кўпайтиришга интилишлари омма ўртасида улар обрўйининг пасайишига сабаб бўлган бўлса керак. Шу ерда ушбу хожалар мавқеининг иқтисодий асосларига назар ташлайдиган бўлсак, рус тарихчиси П.П. Иванов ўзининг “Жўйбор шайхлари хўжалиги” китобида хожалар қўлида тўпланган бойлик ҳукмдор табақанинг инъомлари бўлса керак, деган тахминни илгари суради². “Равзат ар-ризвон ва ҳадиқат ал-ғилмон”, “Матлаб ат-толибин”, “Абдулланом” каби манбалар ва бир қатор сўнгги тадқиқотлардаги маълумотлар бу тахминнинг тўғри эканлигини исботлайди. Хорижлик тадқиқотчи Р. Макчезни “Иқтисодиётнинг мусулмонча модели” номли тадқиқотида вақф мулклар ва оилавий меъморлик мажмуалари, бу мажмуани бошқарувчи авлодлар гуруҳи учун бойлик орттириш воситаси бўлганлигини таъкидлаган. Олимнинг фикрича, Сумитан мавзесининг Жўйбор хожалари қонуний мулкига айланиши туфайли хожалар Сумитан мазори даромади ҳисобидан ер, дўкон, савдо расталари ва бошқа кўчмас мулклар сотиб олиб, ўз бойликларини янада кўпайтиришган³. Мозор фойдасига қилинган вақфлар хонадон иқтисодий қудратининг янада юксалишига кенг имкон яраган. Сумитан мазори олдида қурилган диний меъморий мажмуа Жўйборийлар хонадони учун даромад манбаига айланган. Шу билан бир қаторда, Жўйбор хожалари даромадининг катта қисми деҳқончилик, чорвачилик ва савдо-сотиқдан бўлган. Хожалар мулкининг бошқа бир қисмини турли шахслардан арзон баҳода харид

¹ Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тугган ўрни....док.диссерт. –Т. 2007. - Б. 237-238.

² Иванов.П.П.«Хозяйство Джуйбарских шейхов»-С.16,17.

³ Ҳ.Тўраев Жўйборийларнинг Абу Бақр Сумитанийга қариндош эканликларига бир оз шубҳа билан қараб, бу тўғрида ҳали тўғридан тўғри бирор ҳужжат топилмаганини таъкидлайди. Умуман бу масала ҳали алоҳида тадқиқотни талаб қилади, деб ҳисоблайди олим.

килинган ер-сув, савдо ва ҳунармандчилик дўконлари ва бошқалар ташкил қилган.

Жўйборийларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳимоясига ўтишни истаган деҳқонлар, ҳунармандлар ва бошқа тоифа шахслар Жўйборийларга ўз мулкларини арзон нархда сотишган ва ҳатто бу ишни савоб деб ҳисоблашган¹. Олди-сотди қилишнинг бу тури Жўйборийлар кўчмас мулкнинг янада ортишига олиб келган. Хожазодалар иқтисодий ва ижтимоий мавқеидан чўчиган Аштархонийлар эса бу мулкларнинг қонуний йўл билан орттирилганига шубҳа билан қараб, уларга дахл қила бошлаганлар.

Диний уламолар, жумладан Жўйбор хожаларининг ички ва ташқи иқтисодий ва сиёсий ҳаётга таъсири Аштархоний Убайдуллахон (1702-1711) даврига келиб бутунлай чекланган. Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг маълумот беришича, Убайдуллахон ушбу хонадон вакиллариинг имтиёзларини бекор қилган, уларга тегишли ер ва кўчмас мулкларнинг қонунийлигини (гарчи уларнинг қўлида аввалги замон ҳукмдорлар томонидан берилган ҳужжатлар бўлишига қарамай) қайта текшириб чиқишга буйруқ берган². Бу эса мамлакатда ичик низоларни янада авж олишига, марказий ҳукуматга қарши кучларнинг кўпайишига сабаб бўлган. Бу эса Бухоро хонлигини сиёсий жиҳатдан заифлашувига олиб келган.

Тарқоқ вилоятларни бирлаштириш, амир ва бекларнинг ўзбошимчалигига чек қўйиш, оддий халқ аҳволини яхшилашга уриниш, марказий ҳокимиятнинг ролини кучайтириш Убайдуллахон фаолиятининг асосини ташкил қиларди. Айниқса, Убайдуллахон ҳукмронлигининг фарқли тарафи шунда эдики, у оддий халқ орасидан чиққан паст табақа вакиллариини

¹ Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг туганган ўрни..... док. дисс. автореф.-Т, 2007. –Б.23,40.

² Мир Муҳаммад Амин Бухари. Убайдуллахон.-Т.1957. -С. 229-230.

давлат бошқарув ишларига жалб этган ва бу билан саройдаги мавжуд тартибларни, эски амалдорларнинг давлат бошқарувидаги кучли таъсирини пасайтиришга ҳаракат қилган¹. 1708 йилда пул ислоҳоти ўтказиб, шу йўл билан хазинани тўлдиришга ҳаракат қилган. Аммо унинг барча ҳаракатлари кутилган натижани бермади ва 1711 йилда сарой фитнаси оқибатида ўлдирилди². “Убайдулланома” асарининг муаллифи бу воқеанинг сабабларини санай туриб, асрлар оша юксак мавқе ва ҳурмат-эҳтиром соҳиби бўлган диний уламолар имтиёзларининг чекланиши бу воқеанинг содир бўлишига сабаб бўлди, деб ҳисоблайди³.

Убайдуллахондан кейин тахтга чиққан Абулфайзхон (1711-1747) эса акасидан фарқли равишда хонликдаги мавжуд аҳволга ҳеч қандай таъсир ўтказолмади, аксинча, саройдаги нуфузли амирлар, беклар кўлида ўйинчоқ бўлиб қолди. Тарихий манбаларда учрайдиган айрим фактлар бизга Абулфайзхон ҳукмронлигининг дастлабки йилларида акаси бошлаган сиёсатни давом эттирмоқчи бўлган, лекин бу саройдаги юқори табақа томонидан ўша заҳотиёқ қаршиликка учраган, деб тахмин қилишга имкон беради⁴. Саройдаги ўзбошимчаликлар, бошбошдоқликлар ва бунда жўйбор хожаларининг ўрни ҳақида Абдурахмон Толёнинг “Тарихи Абулфайзхон” асарида етарлича маълумотлар учрайди. Масалан муаллиф шундай ёзади: “... хижрий 1129 йилда (1716-1717) Султон тўқсоба Чироқчига (Қарши) бориб, Ҳаким мирохўр билан келишув тузди ваунга кўра уни Бухорога олиб келиб, парвоначи лавозимига тайинлади, ўзи эса кушбеги бўлиб олди. Ҳошим хожа Жўйборийнинг 15 ёшли ўғли Муҳаммад Яҳёни эса (бу хожа ўз яқинлари - жўйборийлар билан келиша олмасди) у билан яқиндан таниш бўлгани учун

¹ Мир Мухаммед Амин Бухари. Убайдулланаме. - Т.1957.-С.43, 44.

²История Узбекистана.-- Т. 1993. -С.68, 69.

³ Мир Мухаммед Амин Бухари. Убайдулланаме. -Т. 1957. -С.218,233.

⁴История Узбекистана. -Т. 1993.-С.68.

шайхул-ислом лавозимига тайинланди...¹” Бу маълумотда ўша даврда Бухоро хонлигидаги ички сиёсий вазиятни ва унда диний уламоларнинг ўрнини яққол сезиш мумкин. Асарни таржима қилган ва унга изоҳлар ёзган олим буни шундай изоҳлайди: “шайхул-ислом лавозими Бухорода ўша даврда энг олий ҳуқуқий-диний лавозим эди. Ўз яқинлари бўлмиш жўйбор хожаларининг нафратига учраган (балки, ёмон хулқи учундир) 15 ёшли боланинг бундай масъулиятли лавозимга қўйилиши ақлга сиғмайдиган иш эди. Бу билан амирлар, олий ҳокимиятни умуман тан олмасликларини ва ўзларининг тийиқсиз ва бетайин феъл атворларини кўрсатар эдилар”². Юқорида тилга олинган манбада нафақат Жўйбор хожаларининг фаолияти, балки уларга қарама қарши бўлган (дейиш мумкин) бошқа диний уламолар-Махдуми Аъзам ва хожа Порсо авлодлари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Хусусан, “Тарихи Абулфайзхон” асарида шундай маълумот учрайди: “Муҳаммад Саид Хожа нақиб (Махдуми Аъзам авлодларидан) билан Балх ҳукмдори Санжархон ўртасида душманлик пайдо бўлди (Убайдуллахон вафотидан сўнг). Санжархон таъқибидан қочиб, Муҳаммад Саид Хожа нақиб Бухорога кетди. Хон ўлдирилгач эса балхликлар Ҳиротдан Муҳаммадхонни (1718-1719 йилларда Балх ҳукмдори - Д.Т.) олиб келиб Балх тахтига ўтқазди. Бу воқеадан сўнг Муҳаммад Саид Хожа нақиб Балхга қайтиб келди. Лекин у мағрур ва бўйсунмас одам бўлгани учун Муҳаммадхон билан ҳам келиша олмади ва Муҳаммадхон уни ўлдириб юборди. Шундай буюк хожа шу тарзда ўлим топди... Муҳаммадхон эса халқни жуда қийнади, бойликка ҳаддан зиёд ружу қўйди. Муҳаммад хожа Порсо билан унинг ўртасида душманчилик бошлангач, балхликлар унга қарши қўзғолдилар ва хон ўз оталиғи билан Балхдан Шибирғонга қочиб кетди. Халқ уни “кофир хон” лақаби билан атарди”³. Юқоридаги

¹ Абдурахман-и Тали. История Абулфайзхана. – Т. 1959. –С. 44.

² Абдурахман-и Тали. История Абулфайзхана. – Т. 1959. –С.56.

³ Абдурахман-и Тали. История Абулфайзхана. – Т. 1959. –С.78.

маълумотдан шуни билиш мумкинки, бу даврга келиб диний уламоларнинг сиёсий нуфузи юқори табақа орасида қанчалик пасайишига қарамасдан оддий халқ орасида улар ҳалиям ўз мавқеи ва таъсир кучига эга бўлганлар.

Ички низолар ва келишмовчиликлар, сиёсий воқеалар XVIII аср бошларида Бухоро хонлигини тобора заифлаштирди. Абулфайзхон майхўрликка ружуъ қўйди, давлат ишларини бошқармай қўйди. Замондошлари унинг “Регистон тинч бўлса бўлди”, деган гапни тез-тез қайтариб турганини ёзишади. Хонликда манғит уруғидан чиққан Муҳаммад Ҳакимбий оталиқнинг таъсири ошиб борарди. 1740 йилда Нодиршоҳ бошчилигидаги Эрон қўшинлари бостириб келиб, заифлашиб қолган Бухорони осонгина қўлга киритди¹. 1747 йил Абулфайзхон бир гуруҳ фитначилар томонидан ўлдирилди. Муҳаммад Ҳакимбий ҳам тез орада вафот этди. Давлат ишлари Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий қўлига ўтди. Муҳаммад Раҳимбий 1753 йилда Бухоро тахтини эгаллади. У ўзига қарши исён кўтарган Шаҳрисабз, Ургут, Жиззах, Ўратепа, Хўжанд, Тошкент ва бошқа бекликларда мавқеини мустаҳкамлаб олгач, ўзини амир деб эълон қилди. Шу тариқа Бухорода манғитлар сулоласи ҳукмронлиги (1753-1920) қарор топди². Илмий адабиётларда бу даврдаги Бухоро давлати “Бухоро амирлиги” деган ном билан аталади. Муҳаммад Раҳимбий вафотидан сўнг (1758) давлатни амакиси Дониёлбий оталиқ бошқарди (1758-1785). Унинг ҳукмронлиги даврида ички тарқоқлик кучайди. У янги солиқлар тизимини ишлаб чиқиб, турли маъмурий чора тадбирлар кўрди³. Дониёлбий вафотидан сўнг унинг ўртанча ўғли Шохмурод тахтга ўтирди (1785-1800). Амир Шохмурод ўз ҳукмронлиги даврида ҳокимиятни бошқариш тартибларини қайта тузди. Унинг даврида мамлакат молия, суд, маъмурий ва

¹История Узбекистана.--Т.1993. -С.71.

²Ўзбекистон тарихи. Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти. Масъул муҳаррир:Бобобеков Х.-- Тошкент, Ўз РФА “ФАН” нашриёти, 2007.-Б.146,147.

³ Ўзбекистон тарихи.-Т, 2007.-Б.147.

ҳарбий тизимида ислоҳотлар ўтказилди. Давлатни бошқариш ишларида диний уламолар, руҳонийлар таъсири анча кучайтирилди. Амир Шоҳмурод XVIII аср бошларида йўқотилган диний уламоларга қарашли бўлган мулкларни вақф ҳужжатларини янгилаш йўли билан уларни эгаларига қайтаришга ҳаракат қилди¹. У сўфийликни тарғиб қилувчи “Айн ул-ҳикмат” асарини ёзди. Дарвешона оддий ҳаёт кечириши ва юқоридаги асари туфайли халқ орасида “Амири маъсум” яъни, “Беғуноҳ амир” номини олди. Шоҳмуроднинг давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатини унинг ўғли Амир Ҳайдар (1800-1826) давом эттирди. Бу даврда солиқлар миқдорининг кескин оширилиши натижасида турли вилоятларда халқ кўзғолонлари кўтарилди. 1826 йилда Амир Ҳайдар вафотидан кейин бир неча ой мобайнида икки амир - унинг ўғиллари Ҳусайн ва Умар алмашинди. Биринчиси заҳарланди, иккинчиси ўлдирилди. Ўша 1826 йилда амир Ҳайдарнинг учинчи ўғли, шафқатсизлиги учун “амир-қассоб” лақабини олган Насрулло тахтга ўтирди (1826-1860)². Амир Насрулло Хива хонлиги ва 1709 йилда Бухоро хонлигидан ажралиб чиққан Қўқон хонлиги билан кўп урушлар олиб борди. Аввал Бухоро амирлиги таркибида бўлган вилоятларнинг ҳаммасини бирлаштиришга уринди. Бу даврда Бухоро чор Россияси ва Англиянинг Эрон ва Ўрта Осиёда бошлаган (19 асрнинг 30-йиллари) рақобатчилигининг кураш майдонига айланди. Амир Насруллодан кейин тахтни унинг ўғли Музаффар эгаллади. Бу даврда Ўрта Осиёда чоризм тажовузи кучайган, руслар Ўрта Осиё сарҳадларига, Бухоро хонлигининг чегараларига яқинлашиб қолган эди. Амир Музаффар ҳукмронлиги даврида (1860-1885) амирлик ҳудудида мустақиллик учун кураш кучайди. Йирик иқтисодий ва маданий марказ Самарқанд 1868 йилда чор Россияси томонидан босиб олинди. Ички ва ташқи курашлар натижасида ҳолдан тойган амирлик Россия империясининг ярим мустамлакаси бўлиб қолди.

¹ История Узбекистана.--Т.1993.-С.155.

² История Узбекистана.--Т.1993.-С.157.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, диний уламолар Бухоро хонлиги ташкил топган пайтдан бошлаб XIX аср ўрталарига қадар хонлик ижтимоий табақалари орасида ўзининг мустаҳкам ўрнини сақлаб келди. Шайбонийлар даврида улар юксак обрў ва мавқе эгалари сифатида ҳукмрон табақалар қаторида турган бўлсалар, Аштархонийлар даврига келиб уларнинг имтиёзлари анча чеклаб қўйилди. Манғитлар даврига келиб эса улар фақат маънавий маърифий ва иқтисодий ҳаётга таъсир ўтказишгагина қодир эдилар.

2.2. Бухоро хонлиги дипломатик алоқалари ва унда Нақшбандия тариқати вакиллариининг роли

Аввалги қисмларда таъкидланганидек XVI аср иккинчи ярмида ташкил топган ва XIX аср ўрталарига қадар Марказий Осиёда ўзига хос ўрин эгаллаган Бухоро хонлигининг тараққиётида ҳам бошқа давлатлар билан олиб борган ташқи алоқалари алоҳида ўрин тутди. Йирик марказлашган давлатга асос солган Абдуллахон II мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадида бошқа хонликлар ва давлатлар билан алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилган. Айниқса, ҳудудий жиҳатдан кўшни бўлган ва Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган мамлакатлар билан бўладиган муносабатларга алоҳида эътибор берган¹. Бундай давлатлар сирасига Ҳиндистон, Эрон, Россия, Астрахан, Қозон хонликлари, Ёркенд ва Қошғар хонликлари, Қозоқ хонлиги, Хива хонлиги, Усманийлар империяси каби кўплаб давлатлар кирган. Ўз ўрнида юқоридаги давлатлар ҳам XVI аср иккинчи ярмидан Марказий Осиёда ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан қудратли кучга эга бўлган Бухоро хонлиги билан дўстона алоқаларни сақлашга ҳаракат қилган. Бундан ташқари, юқоридаги давлатлар ўзаро савдо-сотиқ туфайли ташқи алоқаларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлганлар.

Бухорога XVI аср ўрталарида ташриф буюрган Антони Женкинсоннинг гувоҳлик беришича, Бухоро бу вақтда мамлакатнинг сиёсий маркази бўлибгина қолмай, ҳар йили катта карвонларга эга бўлган Ҳиндистон, Эрон, Балх ва Хитой каби турли мамлакат савдогарлари келадиган ва улар ўртасида ўзаро товар айирбошлаш жараёни юз берадиган савдо шаҳри ҳам эди². Чунки Бухоро Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу ерда Қозоқ хонлиги, Ёркенд хонлиги, Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон ва Россия каби ғарб давлатларига боровчи савдо йўллари кесишган. Бухоро Шайбонийлар

¹ Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзод.дис.яси. - Т, 2005. -Б.100.

² Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию.-С.184.

давлатнинг савдогарлар ўз маҳсулотларини сотишдан ташқари, ўзга мамлакатлар савдогарлари билан учрашадиган ва товар алмашадиган яна бир порт шаҳри ҳисобланган¹. Қўлёзма манбалардаги маълумотлар ва Г. Агзамованинг ўз тадқиқотида таъкидлашича, XVI аср иккинчи ярмида Бухоронинг бу соҳадаги роли янада ошган². Тадқиқотчи Г. Султонованинг фикрича, бунга шаҳарнинг бутун Марказий Осиёнинг иқтисодий ва сиёсий марказига айланиши, карвонсаройлар ва йўлларда шароитларнинг яхшиланиши, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва ниҳоят, қўшни Қозок ва Ёркенд хонликлари билан ўзаро алоқаларнинг йўлга қўйилиши сабаб бўлган. Ўрта асрларда ушбу шаҳардаги ички бозорлар фақатгина шаҳар ва қишлоқлар аҳолисигагина эмас, балки бу ерга ўзининг чорвачилик маҳсулотларини Бухоро ҳунармандчилик маҳсулотларига айирбошлаш учун келган кўчманчи аҳолига ҳам хизмат қилган. Хонлиkning ҳунармандчилик марказлари бўлган Бухоро ва Самарқандда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари кўплаб чет давлатлар қатори, Дашти Қипчоқ аҳолиси эҳтиёжини ҳам қондирган³.

Бухоро хонлигининг Россия, Урал, Волгабўйи, Астрахан , Қозон хонлиги, Дашти Қипчоқ аҳолиси билан олиб борган савдо дипломатик алоқалари П.А. Иванов, Б. Аҳмедов, Р.Г. Мукминова, Ҳ. Зияев, Ҳ. Ғуломов, Г.А. Агзамова, Г.Н. Султонова каби тарихчиларнинг махсус тадқиқотларида атрофлича ёритилган. Юқоридаги тадқиқотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Бухоро хонлиги тадқиқ қилинаётган асрлар давомида халқаро ташқи алоқаларнинг фаол иштирокчиси бўлган ва юқорида номлари санаб ўтилган давлатлар билан савдо-дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалар олиб борган. Аммо, хонлик ташқи алоқалари тизимида катта рол ўйнаган

¹ Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию.-С.184

² Агзамова Г.А. Среднеазиатские центры торговли и пути, связывавшие их Россией (вт. пол. XVI - пер. пол. XIX вв.).-С. 67.

³ Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозок ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзод.дис.си.-Т,2005.-Б.111.

диний уламоларнинг бу соҳадаги фаолияти алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Маълумки, Нақшбандия сўфийлик тариқатига XIV асрда ҳозирги Бухоро вилояти ҳудудида асос солинган бўлиб, бу тариқат кейинги асрларда диний уламолар, шайхлар ва беҳисоб муридлар орқали Марказий Осиё ва ундан четда ҳам маълум бўлди. XVI асрнинг кўп олим-фозиллари, давлат арбоблари, санъаткорлари Нақшбандия таълимотидан кенг фойдаландилар, унга ўта ижобий муносабатда бўлдилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) даврида, ундан кейинги XVI-XVII асрларда бу жараён анча тезлашади. Нақшбандия тариқати XVI асрда Хожа Муҳаммад ал-Боқий Кобулий (вафоти 1605) Ҳиндистонга боргандан сўнг Ҳинд тупроғида ҳам авж олади. Бу машҳур мутасаввуф уламо (олим) Афғон ва Ҳинд юртлирида Хожа Боқибилло номи билан машҳурдир. Унинг шогирди Хожа Аҳмад Форук Сирҳиндий (1563-1624) эса Нақшбандия таълимотининг XVII асрда Ҳиндистонда ёйилишида катта роль ўйнаган. Шундай қилиб Ҳазрати Баҳоваддин Нақшбанд (1318-1389) томонидан асосланган Нақшбандия таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида катта ўрин эгаллади¹. Ушбу тариқатнинг маънавий жиҳатдан меросхўрлари ҳисобланган Бухоролик диний уламолар эса юқорида қайд этилган ҳудудларнинг нафақат маънавий маданий, балки сиёсий ҳаётида ҳам катта таъсирга эга эдилар. Айнан улар ёрдамида ислом динининг асослари ривожлантирилди, халқчиллаштирилди ва турли ислом бўлмаган давлатлар, масалан, Қозоқ хонлиги, Мўғулистон каби давлатлар исломий давлатлар қаторига қўшилди. Фазлуллоҳ Рўзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида Муҳаммад Шайбонийхон Бухорода қозоқлар устига муқаддас уруш қилишга қарор қилгани, уруш олдида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қабрини зиёрат қилгани, ва бу урушга Хожа Абунаср

¹ Усмонов О. Баҳовуддин Нақшбанд. Маънавият юлдузлари. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. -Тошкент, 1999 й. -Б.150,151.

Порсо (вафоти 1537) ва бухоролик уламоларнинг фатво бергани ҳақида маълумотлар бор¹. XVI асрга тегишли яна бир манба –“Тарихи Рашидий” да эса асар муаллифи Муҳаммад Ҳайдар мирзо шундай маълумот беради: “Юнусхон ҳукмронлигининг дастлабки даврида барча мўғуллар эски удумлари бўйича яшашар, кўчманчи ҳаёт кечиришар, шаҳарлардан қочишарди. Кўплаб мўғулларда мусулмончиликнинг номидан бўлак ҳеч бир белги йўқ эди, бундайларни барча вилоятларда бошқа кофирлар сингари кулларга айлантиришган, кулдек сотишган. Хон Эшон ҳазратларига (Хожа Ахрор Вали – Д.Т.) бўйин эгиб, унинг хизматига киргандан кейин Эшон ҳазратлари барча қўшни мусулмон давлатлари подшоҳларига:”Биз Султон Юнусхонни кўрдик, бундай мусулмон одам подшоҳлик қиладиган халқни кулга айлантириш ножоиздир”, деган мазмунда хат жўнатган. Шундан сўнг барча ислом мамлакатларида мўғулларни кул қилиб сотиш ва сотиб олиш бекор қилинди”². Юқоридаги икки маълумотдан кўриниб турибдики, Мовароуннаҳрлик диний уламолар ислом динини қўшни давлатларга ёйилишида катта рол ўйнаганлар. Айниқса, Чигатой улусига тегишли мўғулларнинг Мовароуннаҳрлик диний уламолар таъсирида исломни қабул қилиши тарихий тараққиёт ва дин тарихида ниҳоятда кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, кўпинча босиб олинган ҳудудларда агрессор давлатнинг дини ва мафкураси ўрнатилган, тарқатилган. Мўғулларнинг босиб олган давлатлари эътиқод қиладиган динга ўтиши эса Мовароуннаҳрда диний билимларнинг, исломий маданиятнинг ва айтиш мумкинки, диний уламоларнинг сиёсий нуфузидан дарак берарди.

XVI-XVIII асрлар Бухоро хонлиги ташқи алоқалари тизимида ўзига хос давр бўлиб, бу хонлик ташқи алоқаларининг шаклланиши ва ўзига хос тарзда

¹ Қаранг: Фазлаллах ибн Рузбихон Исфахани. Михман-наме-йи Бухара. -М,1976.-С.63,64,103,104.

² Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. -Т,2010.-Б.231. Хожа Эшон деб муаллиф Хожа Носириддин Убайдуллоҳни назарга тутяпти.

ривожланиши билан характерланади. Бу даврда хонлик ташқи алоқалари тадрижий таракқиёти турли кўринишда давом этган. Бухоронинг кўшни ва бошқа турли чет давлатлар билан ўзаро дипломатик муносабатларни ўрнатишида ва олиб борган савдо-иқтисодий алоқаларида, уларнинг кейинги таракқиётида хонликда яшаган турли ижтимоий табақа вакиллари катта рол ўйнаган. Хусусан бу ўринда савдогарлар, диний уламолар ва маъмурий бошқарув тизимининг айрим вакиллари санаб ўтиш ўринли.

Маълумки, аввалги даврларда бўлгани каби Шайбонийлар ҳамда Аштархонийлар ҳукмронлик қилган йилларда ҳам мамлакатда кечган сиёсий ва иқтисодий ҳамда маданий жараёнларда диний уламолар, жумладан, Нақшбандия сўфийлик тариқати вакиллари фаол иштирок этган. Уларнинг мамлакат ичкарисида олиб борган кенг кўламдаги фаолияти хонлиkning ташқи алоқаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Буни хонликда шайхул ислом лавозимида фаолият кўрсатган Жўйбор хожалари ва бошқа диний уламолар мисолида кўриш мумкин.

Диний уламоларнинг Бухоро хонлиги ташқи алоқаларидаги иштирокини хусусиятига кўра уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

- 1) Хонлик ташқи сиёсий муносабатлардаги роли;
- 2) Ташқи савдо-иқтисодий алоқалардаги иштироки;
- 3) Ўзаро маданий алоқалардаги ўрни.

Манбалардаги ва тадқиқотлардаги маълумотларга кўра диний уламоларнинг Бухоро хонлиги ташқи сиёсий алоқалардаги иштирокини ҳам ўз навбатида икки қисмга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Хатлар орқали амалга оширилган алоқалардаги роли.
2. Давлатлараро элчилик алмашинувидаги иштироки.

Шайбонийлар сулоласининг кўзга кўринган вакили Абдуллахон II даврига келиб эса хонликда Нақшбандия тариқатининг бошқа вакиллари – Жўйбор хожаларининг роли сезиларли даражада ошди. Энди улар нафақат

мамлакат ички сиёсий ҳаётида, балки ташқи сиёсий алоқаларида ҳам муҳим аҳамиятга эга эдилар. Диний уламоларнинг ушбу вакиллари хатлар орқали олиб борилган ташқи сиёсий алоқаларда фаол иштирок этганлар. Тадқиқотларда Жўйбор хожаларидан Хожа Ислон, Хожа Саъд, Хожа Тожиддин ва бошқалар номига турли давлатлардан, жумладан Ҳиндистон, Хуросон, Эрон, Туркия, Ёркенд, Қошғар, Қозоқ хонликларида жуда кўплаб хатлар келганлиги таъкидлаб ўтилган. Масалан, Ҳ. Тўраев ва Г. Султоновлар тадқиқотларида “Равзат ар-ризон ва ҳадиқат ал-ғилмон” ва “Матлаб ат-толибин” асарларида Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида жўйбор хожалари номига бошқа вилоят ҳокимлари, чет давлат ҳукмдорларидан Бухоро билан алоқаларни мустаҳкамлаш учун кўмак сўраб ёзилган хатлар келганлиги қайд этилган¹. Тарихчи Б. Аҳмедов ҳам “Равзат ар-ризон ва ҳадиқат ал-ғилмон” асари ҳақидаги тадқиқотида, ушбу асарнинг иккинчи ва бешинчи боблари Шарқий Туркистон тарихини ўрганиш учун муҳим манба эканлигини таъкидлаб, “... айниқса, бу бобларда келтирилган шайбонийзодалар, Бадахшон ва Кобул подшоҳлари ҳамда Қошғар хонларининг Жўйбор хожаларига ёзган мактублари муҳим аҳамиятга эга”, деб ёзади². Тадқиқот давомида олим Қошғар хонларидан Абдукаримхон, Қурайш султон, Сўфи султонларнинг мактубларидан намуналар келтиради. Қошғар хонларининг Жўйбор хожаларига йўллаган мактубларида Шарқий Туркистоннинг XVI асрдаги ижтимоий ҳаёли, Қошғар билан Бухоро ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз боради. Масалан Қурайш султон турфонийнинг иккинчи мактуби бунга яққол мисолдир: “Садоқат ва итоат туйғуларини билдиргандан кейин малоик паноҳ оstonаларининг хизматларига маълум бўлсинким, бундан бир йил муқаддам бу бечорани Хўтандан чиқариб юбордилар ва Хитой билан Қолмоқ мамлакати чегарасида

¹ Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни....док.диссерт. –Т,2007, -Б.53,54.Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзоди. - Т,2005.-Б.25.

² Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент, 1994. -Б.287.

жойлашган Чолиш-Турфонга сургун қилдилар. Биз ўша тарафга жўнаб кетдик ва Оллоҳнинг иродаси билан (ўша) вилоятнинг кўп қисмини ўзимизга бўйсундирдик; бўйин товлаганлар эса қўлга олиниб жазога тортилдилар. (Қисқаси) ўша вилоятни ёвузлар ва фитначилардан тозаладик.... (сўнг Чолиш-Турфонга қайтдик). Муҳаммад султон¹ бизнинг устимизга бир неча бор қўшин тортиб келди, лекин биронта қишлоқни ололмади. Шундан кейин икки ўртада сулҳ имзоланди ва бандани (яна) ўша вилоятга жўнатиб юбордилар. Лекин биз ўша вилоятни (қайтадан) бўйсундирганимизга ишонч ҳосил қилиб, у (яъни Муҳаммад султон) ўртада илгари имзоланган сулҳ хусусида афсусланиб, маҳаллий халқни бизга қарши кўтариш учун биз тарафга одамларини юборди. Қисқаси, Чолиш-Турфон халқи катта лашкар тўплади ва устимизга қараб юрди. Бошда улар Боркучор шаҳрига кирдилар ва халқини талон тарож қилиб, ўзларини биз тарафга ҳайдаб юбордилар. (Сўнгра) кўп сонли лашкар билан Турфонга келдилар ва унинг қалъасини чор атрофдан қуршовга олдилар. Бу бечора оз қўшини билан олти-етти ой мобайнида қамал остида ўлтирди ва душманнинг узлуксиз ҳамлаларини қайтариб турди. Фақат жаноби эшоннинг ҳиммати билан унинг устидан ғолиб чиқди ва душманни тор-мор келтирди. Охир-оқибат ҳазрат онамиз ўртага тушиб бизларни яраштириб қўйдилар. Шунга қарамай, (Муҳаммад султон) бошда тўла авф этгани билан бизни Турфондан Ёркандга юбориб (ўша ерда) қамоқда сақлаш ҳақида кўрсатма берган кўринади. (Шу кунларда) бу юртни (умрбод) тарк этиб, ҳазрати эшоннинг (муқаддас) остоналарини ўпиш ҳаёли бошга келадир. Бошқа гапларни ушбу мактубни олиб боргувчи (мулозимимиз) сўзлаб берар”². Қурайш султон мактубидаги батафсилликлардан яна шуни англаш мумкинки, Шарқий Туркистон ҳукмдорлари ҳудудда содир бўлаётган сиёсий жараёнлардан хожаларни хабардор қилиб туришган. Бу мактублардан биз Б.

¹ Муҳаммад султон- Абдурашидхоннинг тўртинчи ўғли. 1592-1610 йилларда Ёрканд хони.(Б.А.)

² Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. –Т, 1994. -Б.289.

Аҳмедов таъкидлаганидек, Нақшбандия-хожагонлик тариқатининг Махдуми Аъзам Косоний вафоти (1542)дан кейинги ворислари бўлмиш жўйбор хожаларининг нафақат Бухоро хонлиги, балки қўшни хорижий мамлакатларнинг ижтимоий сиёсий тарихида ҳам катта ўрин тутганликларининг гувоҳи бўламиз¹.

Тарихчи олима Г. Султонова ҳам юқоридаги асар тадқиқоти давомида Б. Аҳмедов маълумотларига янада аниқлик киритади ва XVI аср иккинчи ярмида Бухоро ва Ёркенд давлатлари ўртасидаги дипломатик алоқаларни ўрганишда, ўзаро элчилар алмашинуvidан ташқари хатлар ҳам алоҳида ўрин тутади, хатларнинг аксарияти гарчи, жўйбор хожалари Хожа Ислон ва Хожа Саъдлар номига келган бўлса-да, икки давлат ўртасидаги алоқаларга жиддий таъсир кўрсатган, дея таъкидлайди². Олима ўз фикрини Ёркенд хони Абдукаримхон томонидан Хожа Саъдга юборилган хат билан тасдиқлайди. Хатда ёзилишича, Абдукаримхон ўзини Хожа Саъднинг муриди ҳисоблаган ва уларни доимо дуо қилиб туришларини, улар билан алоқасини узмаслигини сўраган. Ёркенд хонининг эътироф этишича, бу икки давлат ўртасидаги бошқа алоқаларни ҳам ривожланишига йўл очади³. Ушбу далилга асосланиб, жўйбор хожаларига келган мактублар икки хонлик алоқаларининг бир кўриниши сифатида хонликлар ўртасида муносабатларнинг барқарорлашувига сабаб бўлган деб ўйлаймиз. Тарихчи Г. Султонова ўз тадқиқотида Сўфи Султоннинг мактубидан ҳам намуна келтиради. Олиманинг тадқиқича, Сўфи Султон хатининг мазмунига қараганда, унинг Хожа Саъдга нисбатан эътиқоди баланд бўлиб, ўзи ва онаси Чучукхоним (Абдурашидхоннинг хотини) номидан кўпдан-кўп салом айтиш билан бирга, уларни доимо қўллаб туришини сўраган. Шунингдек, Чучукхоним тарафидан

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. –Т, 1994. –Б.288.

² Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзод.дис.яси.-Т,2005.-Б.111.

³ Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзод.дис.яси.-Т,2005.-Б.127.

зар билан тикилган кўк сариқ рангли кашта, Сўфи Султон томонидан катта кашмирий рўмол, оқ рангли кашта ва ўттизта зарҳалланган кумуш идиш товоқларни совға сифатида юборганлигини маълум қилган¹.

Мактуб мазмунига қараганда нафақат Ёркенд хонларининг, балки хон хонадонининг барча вакиллари жўйбор хожаларини йирик диний уламо сифатида тан олишган ва уларга эътиқоди баланд бўлган. Хон ва ҳокимлар уларга турли хил совғалар тортиқ қилиб туришган, хатлар, элчилар юбориб, уларни маълум бир ҳудуддаги вазиятдан хабардор қилишган, юзага келган қалтис вазиятларда улардан паноҳ ишташган.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида ҳам Жўйбор шайхларининг турли вилоят ҳукмдорлари ва юқори табақа вакилларига ёзган, ёки улар томонидан шайхларга ёзилган мактублар ҳақида маълумотларни учратиш мумкин. Асарда нафақат жўйбор хожалари, балки ушбу асар ёзилган даврда яшаган бошқа диний уламолар, Қосим Шайх, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Муҳаммад Тохир каби диний уламоларнинг ташқи сиёсий алоқаларга таъсири ҳақида қимматли маълумотлар бор: “Ул ҳазрат Қосим Шайх раъийят аҳволи ва мулк ҳамда мамлаканинг хавфсизлиги учун қадамларини сулҳ йўлига қўйиб, бир тўда амирлар билан Бухорога юзландилар ва ўзларини сафорат ва элчиликларини баён саҳифасига ёздилар. Ул ҳазрат хатларининг латофат билан тўла мазмуни соф хайрихоҳлик ва марҳаматдан иборат бўлгани учун Искандар фармонли шахриёр унинг буйруғини ризо қулоғи билан эшитиб шарафли хотирини тўғри деб топишдан нарига ўтмади”².

¹ Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзод.дис.яси.-Т, 2005.-Б.129.

² Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома.... -Т.,1999. 1-китоб.-Б.221-222. (Бу воқеа Бобо Султоннинг Султон Саъидга ёрдам бериш учун Туркистон ва унинг атрофидан қўшин тўплаб, Бухорога юриш қилган ва енгилган вақтида юз берган. Бу жангда Хоразм қўшини ҳам иштирок этган. Д.Т.)

XVIII-XIX асрларга оид манбаларда биз диний уламоларнинг ташқи алоқалардаги иштироки ҳақида ниҳоятда кам маълумотлар учратамиз. Бу диний уламоларнинг ушбу асрларга келиб нафақат ташқи сиёсий алоқаларда, балки ички ижтимоий сиёсий ҳаётда ҳам таъсири сусайгани билан характерланади. Бундан ташқари бу даврга келиб ўзаро урушлар ва тахт талашишлар оқибатида Бухоро хонлиги ҳам сиёсий таназзул ёқасида бўлиб, ташқи алоқалардан деярли узилиб қолган, халқаро майдонда ўтган асрлардаги каби нуфузга эга эмас эди. Мана шундай шароитда хонлик таркибидаги вилоятлар ҳам бирин-кетин мустақиллик даъво қилиб, хонлик таркибидан ажралиб чиқа бошладилар. Балх вилояти ҳам шулар жумласидан бўлиб, тарихчи Муҳаммад Юсуф Мунший ўзининг “Тарихи Муқимхоний” номли асарида Балхнинг мустақил ҳукмдори бўлиб олган аштархоний Муҳаммад Муқимхон (1702-1707) фаолияти ҳақида фикр юритар экан, XVIII аср бошларида Бухоро хонлиги ва Балхдаги сиёсий жараёнларни батафсил ёритади. Асарда диққатимизни тортган нарсаси шу бўлдики, муаллиф тасвирлаганидек, бир гуруҳ хуросонлик диндан қайтган шаккок шиалар, “қизилбошлар” Балхга мактуб ва номалар юбориб, турли диний китоблардан келтирилган ёлғон маълумотлар ва уйдирмалар орқали Мовароуннахрлик ва балхлик суннийларни йўлдан уришга, ўз динларининг ҳақлигига ишонтиришга ҳаракат қилганлар. Мавлоно мулло Умар Охунд номли диний уламо эса балхлик барча сунний мазҳабли диний уламолар номидан жавоб ёзиб, хуросонлик шиаларнинг бу ҳаракатига муносиб жавоб қайтарган¹. Юқоридаги маълумотдан шуни англаш мумкинки, ёш, мустақил давлатларга нисбатан турли диний оқимларнинг хуружлари бу даврда ҳам амалга оширилган ва бу ҳолатда диний уламолар ўз динларини четдан келаётган бундай ёт ғоялардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилганлар.

XIX асрга тегишли яна бир манба – “Тарихи салотини Манғития”да эса асар муаллифи Нажмиддин хожа мир Асад номли диний уламанинг Бухоро

¹ Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқимханская история. – Т, 1969.-С.207-....221

амири Музаффарнинг ишончли элчиси бўлганини ёзиб қолдиради. Асардаги маълумотлардан Нажмиддин хожанинг амир Музаффар ва рус губернаторлари Кауфман ва Черняевлар ўртасида элчилик миссиясини бажарганини билиш мумкин¹.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, XVI аср ўрталарида Бухоро хонлиги Ўрта Осиёнинг катта ҳудудини эгаллаган йирик марказлашган давлатга айланди. Айнан шу даврдан бошлаб хонлик халқаро алоқаларда фаол иштирок эта бошлади. Манбалардаги маълумотлар хонлик ҳудудида ташқи алоқалар билан шуғулланадиган алоҳида элчилик институтлари бўлмаганлигини тасдиқласа-да, хонликда XVI-XIX асрларда ҳам ташқи савдо ва элчилик алоқалари тўхтамаган, деб ўйлашга имкон беради. Юқорида келтирилган маълумотлар эса диний уламолар Бухоро хонлигининг ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларида кўп ҳолларда муҳим рол ўйнаган, деб хулоса чиқариш имкониятини беради. Ташқи сиёсий алоқаларда айниқса Нақшбандия тариқатининг жўйбор хожалари хонадони XVI-XVII асрлар давомида алоҳида нуфузга эга бўлишган. Уларнинг бу соҳадаги иштироки аксарият ҳолларда хонликнинг ташқи дипломатик муносабатларини мустаҳкамлаган ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантирган бўлса, айрим ҳолатларда буни аксини содир бўлишига сабаб бўлган. Мусулмон оламидаги юксак мавқелари туфайли кўп ҳолларда Бухоро хонлигининг турли давлатлар билан сиёсий алоқаларининг мўътадиллашувига эришсалар, баъзи ҳолларда ўз манфаатлари ва шахсий адоватларидан келиб чиқиб, бу муносабатларнинг маълум муддатга бузилишига сабаб бўлганлар. Ташқи элчилик ва хатлараро алоқаларнинг муҳим қатнашчилари бўлган диний уламолар ўз навбатида хонликнинг ташқи иқтисодий алоқаларига ҳам таъсир ўтказганлар. Ҳар қандай сиёсат ва сиёсий алоқаларнинг ортида энг аввало иқтисодиёт туришини ҳисобга оладиган бўлсак, бу шубҳасиздир.

¹ Мирза Абдал азим Сами. «Тарих-и салатини мангитийа»- Москва, 1962. -С.67, 70,73.

2.3. Жўйбор хожаларининг хонлик ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларидаги иштироки

Диний уламолар Бухоро хонлигининг ташқи иқтисодий алоқаларида ҳам муҳим рол ўйнаган. Айниқса, бу даврда Нақшбандия тариқатининг маънавий меросхўрлари ҳисобланган Жўйбор хожалари ташқи сиёсий нуфузларидан келиб чиққан ҳолда ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам таъсир кўрсатар эдилар. Шайбонийлар ва Аштархонийлар саройида катта мавқега эга бўлган Жўйбор шайхларининг юксак мавқеи иқтисодий асосларга эга эканлиги П.П. Иванов, Р.Г. Мукминоваларнинг аввал қисмларда номлари тилга олинган ишларида қайд этилган.

Р.Г. Мукминова ўз тадқиқотида Бухоро хонлиги иқтисодий ҳаётида юқори мавқега эга бўлган Жўйбор хожалари фаолияти борасида сўз юритиб, улар катта ҳунармандчилик устахоналари, савдо расталари, карвонсаройлар ва йирик савдо карвонларининг эгалари бўлганлиги ҳақида маълумот берган. Шунингдек, Жўйбор хожаларининг савдо карвонлари Бухоро хонлигининг бошқа давлатлар билан олиб борадиган савдо алоқаларида ҳам фаол иштирок этганлигини алоҳида таъкидлаган¹. Олиманинг ЮНЕСКО томонидан чоп этилган кўп томли академик нашрнинг бешинчи жилдига ёзган қисмида “Карвон йўллари шайбонийлар давлатини Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Қозоқ хонликлари (Дашти Қипчоқ), ва ҳатто Сибирь, Москва ва Каспий орти давлатлари билан боғлаган, Москва нафақат Бухоро хонларининг, балки жўйбор хожаларининг карвонларини ҳам қабул қилган”, дея маълумот беради².

¹ Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация население городов Узбекистана конца XV – начала XVI вв. – Т. 2007. -С. 32-33.

² Mukminova.R.G. “Central Asia: History of Civilizations”, Vol.5,2003.-P.52-54.

Хожаларга тегишли бўлган йирик савдо карвонлари шунингдек, Бухоронинг Хива, Қозоқ, Ёркенд хонликлари билан олиб борган савдо алоқаларида катта рол ўйнаган. Буни “Абдуллонома” асаридаги Хожа Камолуддин Ҳусайн бошчилигидаги ғалла юкланган савдо карвони Бухородан Дашти Қипчоққа томон йўлга чиқиб, Сабронда тўхтаганлиги ҳақидаги маълумоти ҳам тасдиқлайди¹. Қозоқ хонлари Шиғойхон ва Таваккалхонлар эса ўзларини жўйбор хожаларининг муриди ҳисоблаганлар ва Бухорога тез-тез ташриф буюриб турганлар. Бу эса хонликнинг қўшни давлат билан муносабатларининг ижобий тарафга ўзгаришига хизмат қилган. Ўз навбатида, Бухоро хонлигининг Дашти Қипчоқ худудидан ўтувчи савдо карвонларининг хавфсизлиги ҳам бир оз бўлса-да, кафолатланган².

Диний уламоларнинг ушбу хонадони амалда хонликнинг ички ва ташқи савдосини назорат қилишган. Жумладан, Хожа Саъднинг Бухорода Гавкушон номли йирик карвонсаройи бўлганлиги ва бу ерда чет давлатларнинг савдо карвонлари ҳам тўхтаганлиги маълум. Жўйбор шайхларининг савдо карвонлари Буюк Ипак йўли йўналиши бўйлаб то Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Қозон, Москва, Қошғар, Хитойгача етиб борган³. Хорижлик тадқиқотчи Р. Макчезни ўз тадқиқотида, “... ушбу оила карвонсаройлар, дўконлар, бозор ва ҳаммомлар куриш, сотиб олиш, ижарага бериш билан шуғулланганликлари туфайли Бухоро хонлигининг савдо-сотиқ ишларида ҳам катта рол ўйнаган. Бундан ташқари улар кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам эга бўлганлар, улар ўз корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни савдо карвонлари орқали Москва, Қозон каби узоқ ўлкаларга юборганлар, Эрон ва

¹ Sultanova G. Trade relations between Bukhara and Yarkand Khanates in the 16th and early 17th Century’ to be submitted at the *Journal of International Institute Central Asian Studies.under UNESCO/2010/ --P.40-48*

² Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию.-С.179; Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзоди. - Т., 2005. -Б.135.

³ Sultanova G. Trade relations between Bukhara and Yarkand Khanates in the 16th and early 17th Century’ to be submitted at the *Journal of International Institute Central Asian Studies.under UNESCO/2010/ --P.46-48.*

Ҳиндистонда эса савдо-дипломатик миссияларда воситачилик қилганлар”, деб таъкидлайди¹.

Диний уламолар нафақат ташқи савдо алоқаларда балки кўчмас мулклар билан боғлиқ олди-сотди ишларида ҳам фаол иштирок этганлар. Маҳаллий ҳукмдорлар, хонлар у ёки бу воқеа муносабати билан, қўлга киритилган ҳудудлар, ўлжалардан диний раҳнамоларини бебаҳра қолдирмаганлар, турли ҳудудлардан катта катта ер-мулклар, қишлоқлар, туманлар, ва ҳатто бутун бир вилоятларни инъом қилганлар². Бундан ташқари, диний уламоларнинг ўзлари ҳам хонлик ҳудудидан ташқарида олди-сотди ишларини амалга оширганлар. Шарқшунос олим П. Иванов жўйбор хожалари хўжалигини тадқиқ қилаётиб, улар ўз мулкларини, ерларини саркорликларга бўлиб бошқарганлар, деб маълумот беради. “Матлаб-ат толибин” асаридаги маълумотга кўра, бундай саркорликларнинг сони ўнта бўлган. Булар; 1) Бухоро шаҳрида, 2) Бухоро туманларида, 3) Балхда, 4) Қаршида, 5) Термизда, 6) Самарқандда, 7) Ҳисорда, 8) Бадахшонда, 9) Марвда, 10) Хуросонда. Бу саркорликлар кирим ва чиқимларни ҳисобга олиб бориш, ижарага берилган ер ва бошқа мулклардан керакли солиқларни ундириш вазифасини бажарадиган саркорлар томонидан бошқарилган³. Бу маълумотдан билиш мумкинки, диний уламоларнинг ушбу вакиллари нафақат хонлик ҳудудида, балки кўшни Бадахшон, Ҳисор, Хуросон каби вилоятларда ҳам йирик ер мулк эгалари сифатида бу ҳудудлардаги иқтисодий муносабатларга таъсир ўтказа олганлар.

XVI асрнинг иккинчи ярмида ёзилган “Жомеъ ул-мақомот” асари муаллифининг айтишича, Махдуми Аъзамнинг набираларидан бири Абул Бақо катта савдогар бўлган ва Қошғар, Ҳиндистонга мунтазам ўз

¹ MkChesny.R. Juybaris. Encyclopaedia/ Iranika/ -P.263.

² Масалан , Абдуллахон II Хожа Саъдга Бадахшон вилоятини тортиқ қилган.

³ Иванов.П.П. Хозяйство Джуйбарских шейхов. М-Л,1954. -С.60.

карвонларини жўнатиб турган. Турк саёҳатчиси Сайфи Чалабий ҳам Бухоро савдогарларининг Қошғар билан савдо алоқалари яхши йўлга қўйилганлиги тўғрисида хабар беради¹.

Жўйбор хожалари ўзларининг иқтисодий имкониятларини ҳар қандай йўл билан сақлаб қолишга ва кўпайтиришга ҳаракат қилишган. “Абдулланом” асарида ёзилишича, Абдуллахон II (1557-1598) Марвга ҳарбий юриш пайтида Марв ва унга қарашли ерлар учун катта аҳамиятга эга бўлган Султонбанд тўғонини бузиб ташлайди. Ҳофиз Таниш Бухорий бу воқеани Хожа Саъднинг “Марв яқинда вайрон бўлади” деган каромати билан боғлайди².

Б.Аҳмедов эса Хожа Саъднинг “Марв яқинда вайрон бўлади” деб айтишини каромат эмас, у Марв ҳокими Поянда Муҳаммад Султондан қаттиқ ранжиб қолган эди, чунки у Хожа Саъднинг отаси Хожа Муҳаммад Ислон вафот этгач (1563), унинг бу ердаги катта ғалла омборларини мусодара қилган эди, шунинг учун ҳам Хожа Саъд Абдуллахоннинг Марвга Поянда Муҳаммад Султонга қарши юришини ҳар томонлама рағбатлантирган, дея изоҳлайди³. Бу эса ўз ўрнида Шайбонийлар ва Сафавийлар давлати ўртасидаги муносабатларни кескинлашишига сабаб бўлган.

Жўйбор хожаларининг ички ва ташқи иқтисодий ва сиёсий ҳаётга таъсирини Аштархоний Убайдуллахон (1702-1711) чеклашга ҳаракат қилган. Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг маълумот беришича, Убайдуллахон ушбу хонадон вакилларининг имтиёзларини бекор қилган, уларга тегишли ер ва кўчмас мулкларнинг қонунийлигини (гарчи уларнинг қўлида аввалги ҳукмдорлар томонидан берилган ҳужжатлар бўлишига қарамай) қайта текшириб чиқишга буйруқ берган⁴. Бу эса мамлакат ички ҳаётида ва

¹ Sultanova G. Trade relations between Bukhara and Yarkand Khanates in the 16th and early 17th Century’ to be submitted at the *Journal of International Institute Central Asian Studies*.under UNESKO/2010/ --P.45.

² Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом...-Т,1999.-Б.192.

³ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом...-Т,1999.-Б.394.

⁴ Мир Муҳаммад Амин Бухари. Убайдулланоме.-Т.1957. -С. 229-230.

хонликнинг ташқи сиёсий муносабатларида зиддиятларни келтириб чиқарган. Мамлакатда ва ҳалқаро майдонда катта мавқега эга бўлган бу диний уламоларнинг бу ҳолатни юзага келишида муҳим рол ўйнаганлиги ҳақиқатдан йироқ эмас. XVIII-XIX асрлар давомида эса жўйбор хожалари ҳали ҳануз мамлакат ички иқтисодига сезиларли таъсир кўрсатар эдилар, чунки уларнинг айримлари ҳалиям ота боболаридан қолган катта ер-мулклар, ҳунармандчилик ва савдо дўконлари, бозорлар ва карвонсаройларнинг меросхўрлари ҳисоблансалар, айримлари диний фаолиятдан ташқари бошқа бир касб-ҳунар билан ҳам шуғулланганлар. Ташқи иқтисодий алоқаларга диний уламоларнинг таъсири эса бу даврга келиб анча сустлашди. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Р.Г. Мукминова ўзининг Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий дифференциацияси тўғрисидаги тадқиқотида жўйбор хожалари фаолияти борасида сўз юритар экан, улар катта-катта ҳунармандчилик устахоналари, савдо расталари, карвонсаройлар ва йирик савдо карвонларининг эгалари бўлганликларини қайд этади¹. Юқорида эса Хожа Саъднинг Бухорода Гавкушон номли йирик карвонсаройи бўлганлиги ва бу ерда чет давлатларнинг савдо карвонлари ҳам тўхтаганлигини маълум қилган эдик². Агарда ушбу мулклар кейинги асрлар давомида ҳам хожалар қўлида сақланиб қолган бўлса, унда диний уламоларнинг ушбу хонадони кейинги асрларда ҳам ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этганлар, деб тахмин қилишимизга асос бўлади. Чунки “Убайдуллонома” асари муаллифининг маълумот беришича, Убайдуллахон хожаларга ҳукмдорлар томонидан инъом қилинган мол-мулкларни тафтиш қилиш ва мусодара қилишга буйруқ берган, юқорида тилга олинган савдо ва ҳунармандчилик дўконлари, карвонсаройлар эса Хожа Ислон ва Хожа Саъдлар томонидан бевосита сотиб олинган ёки бўлмаса ўз ҳисобларидан

¹ Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана конца XV-начала XVI вв. – Т,1985. -С. 120-121.

² История Узбекской ССР.Т.1.Книга первая. -С.96-97.

курдирилган. XVIII-XIX асрга тегишли биз кўриб чиққан бошқа манбаларда эса буни инкор этувчи ёки тасдиқловчи маълумотларни учратмадик.

Бухоро хонлигининг қўшни давлатлар билан олиб борган сиёсий ва иқтисодий муносабатлари ўзаро маданий алоқаларнинг янада ривожланишига имкон яратган. Уларнинг ўзаро савдо-сотиқлари натижасида ишлаб чиқариш, жумладан, хунармандчилик маданияти алмашинуви вужудга келган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, XVI аср иккинчи ярмида Бухоро Марказий Осиёда нафақат сиёсий, иқтисодий жиҳатдан, балки илм-фан маркази сифатида ҳам юқори нуфузга эга бўлган. Хонлик шаҳарларига дунёнинг турли давлатларидан илм аҳллари келиб, бу ерда таҳсил олган ёки ижод қилганлигини тасдиқловчи маълумотларни кўплаб келтириш мумкин. Бухоро дунё миқёсида ислом динининг йирик марказларидан бири бўлиш билан бирга, сўфийлик тариқатининг ривожланишига катта ҳисса қўшган диний уламоларнинг макони ҳам бўлган. Айниқса нақшбандия тариқатининг етук вакиллари хонликда ушбу тариқатни ривожлантиришдан ташқари, қўшни давлат аҳолиси орасида ислом динининг ёйилишида таъсири кучли бўлган. Хорижлик олим С. Эдшед “Марказий Осиё дунё тарихида” номли асарида “XVI асрда темурийларнинг Марказий Осиёдан Ҳиндистонга кетиши нафақат сиёсий курашлар, балки диний идеалогик курашларнинг ҳам бошланиб кетишига сабаб бўлди. Бу даврда мусулмон қозоқлар ва буддий жунғорлар, шиаликлар ва суннийлар, дарвешлар ва уламолар, ханафийлар ва жаҳрийлар каби гуруҳлар ўртасида Марказий Осиёда мустаҳкам мавқени эгаллаш учун кураш бошланди. Бу курашларда охир оқибатда Нақшбандия тариқати устунлик қилди. Бу тариқат издошлари Марказий Осиёда етакчилик қилишдан ташқари ўз ғояларини бошқа мусулмон ва мусулмон бўлмаган ҳудудларга ёйдилар”¹, деб ёзади. Фикримизча, бу тариқатнинг кенг миқёсда

¹ Adsheed.S.M.Central Asia in world history. /Indiana University,1993/. -P.151.

тарқалишига мовароуннаҳрлик диний уламоларнинг маънавий-руҳий ва маданий жиҳатдан анча юқори поғоналарда туришлари сабаб бўлган. Юқоридаги олим тадқиқот давомида ушбу тариқатнинг турли диний уламолар, хожалар, дарвешлар, сўфийлар орқали шарқда Мўғулистон ва Хитойга (Ёркенд, Қошғар), жанубда Ҳиндистонга, ғарбда Усманийлар империяси ҳудудига, шимолда эса Қозоқлар юртига тарқатилганини таъкидлайди¹. Олим Осиёдаги бу жараёнларни худди шу даврда Европа ва Америкада христиан динининг миссионерлар ёрдамида тарғиб қилиниши жараёни билан қиёслайди.

Бухоро Дашти Қипчоқ аҳолиси учун ҳам диний марказ ҳисобланиб, шу ерда қозоқ аҳолиси учун муллалар тайинланган. Кўчманчи аҳоли барча диний масалалар бўйича жавобни ҳам шу ердан олишган². Бу борада фаолият кўрсатган уламолардан бири асли фарғоналик Лутфулла Чустий (1572 йилларда вафот этган)дир. Лутфулла Чустийнинг қозоқлар орасида кўплаб шогирдлари бўлиб, улардан Муҳаммад исмли муриди нафақат қозоқлар, балки қирғизлар ўртасида ҳам ислом динини тарғиб-ташвиқ қилишда фаол иштирок этган³. Диний уламолар ва илм аҳллариининг даштликлар орасидаги фаолиятига фақатгина Лутфулла Чустий мисол бўлади, дейиш етарли эмас албатта. Гарчи манбаларда аниқ шахслар тўғрисида маълумотлар кўп бўлмаса-да, аммо уларнинг сафи кенг бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Буни Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳоннинг қозоқларни исломни қабул қилганлигига узоқ йиллар бўлганлиги, улар ислом маркази бўлган Бухорога ташриф буюришларидан ташқари масалан, Туркистон, Мовароуннаҳр, Ҳожитархон (Астрахан) ва бошқа мамлакатларнинг уламолари ҳамда олимлари Қозоқ хонлигига

¹ Adshead.S.M. Central Asia in world history. /Indiana University, 1993/. -P.151....166.

² Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзоди. - Т., 2005. -Б.137

³ Бартольд В.В. Калмыки. Соч. Т. II. (1). -С. 57; Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзоди. - Т., 2005. -Б.138.

ҳам келиб туришган, деган маълумоти исботлайди¹. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Қозоқ хонларининг шахсий котиблари ҳам мовароуннаҳрлик зиёлилардан бўлган. Буни Таваккалхоннинг 1595 йилда Москва давлатидан келган элчи Вельямин Степановга айтган қуйидаги сўзлари тасдиқлайди: « ўзим ёрлиғ ёза олмайман, одамларимга эса ишона олмайман, чунки менинг котибим (мулла) бухоролик, агар унда қандайдир махфий гап бўлса, у дарҳол Абдуллахоннинг қулоғига етиб бориши мумкин. Шунинг учун ёрлиғни ўзинг ёз»². Демак, мовароуннаҳрлик илм аҳллари Қозоқ хонлиги саройида фаолият юритишган ва хонлик давлат ҳужжатларини юритиш билан шуғулланган. Бундан ташқари, Таваккалхоннинг махфий гапларини Абдуллахонга етказиши мумкинлигига қараганда, бу мулла жўйбор хожаларига тегишли бўлган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Абдуллахон II нинг Бухоро тахтини эгаллаб, шаҳарни мамлакат пойтахтига айлантириши хонликдаги маданий жараёнлар ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Адабий-маданий анъаналар доирасида тарихнавислик, тазкиранавислик ва маноқиблар ёзиш (маноқибнавислик) янги босқичга кўчди. Бу жараёнга жўйбор хожаларининг таъсирини ҳам назардан қочирмаслик керак. Уларнинг ҳомийлиги туфайли бир неча янги асарлар дунёга келди, деб ёзади тарихчи Ҳ. Тўраев. Булар Бадриддин Кашмирийнинг “Равзат ар-ризвон, ҳадиқат ал-ғилмон”, Ҳусайн ас-Сарахсийнинг “Маноқиб саъдия”, Муҳаммад Абу Толибнинг “Матлаб ат-толибин” асарларидир³. Ушбу асарларда келтирилган маълумотлардан хожаларнинг нафақат ташқи сиёсий ва иқтисодий, балки ташқи маданий алоқаларга ҳам кўрсатган таъсири тўғрисида қўплаб маълумотлар учратиш мумкин. Масалан, асарда Ўрта Осиё

¹ Фазлаллах ибн Рузбихан. Михман-наме-йи Бухара.-М,1976. -С.106.

² Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзоди. - Т., 2005. -Б.139.

³ Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг туган ўрни....док.диссерт. –Т,2007, -Б. 241,242.

ва Ҳиндистон адабий алоқалари тўғрисида маълумот учрайди. Бобурий Акбаршоҳ (1556-1605) саройида хизмат қилган ҳиндистонлик шоир Абулфайз Файоди Хўжа Саъдга бағишлаб ғазаллар ёзганлиги, бухоролик ўн етти шоир бу ғазалларга мухаммас ёзганлиги асар орқали маълум бўлади¹. Муҳаммад Абу Толибнинг “Матлаб ат-толибин” асарида эса жўйбор хожаларининг кўзга кўринган вакилларида бири Муҳаммад Юсуф Хожанинг XVII асрдаги маданий жараёнларда иштироки ҳақида маълумотлар келтирилади. У ўз даврининг шоири ва маърифатли кишиларидан саналган. Хаттот сифатида бир неча Қуръон нусхаларини қайта кўчирган. Унинг томонидан настаълиқ хатида кўчирилган китоблар кўпинча бошқа давлатларга юбориладиган тухфа вазифасини бажарган². Бундан ташқари, Муҳаммад Юсуф Хожа “Ишратий” тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Қуйида унинг шеърларидан намуна келтирамиз;

Фурсати вақти гул, фасли хазонам бигузашт,

Чашм пушида кушодам, ки баҳорам бигузашт.

Ба муроди дили худ ҳеч накардам коре,

Умр дар фикри муроди дигаронам бигузашт.

Хурдам тири нигоҳе зи, камонабруе,

Ки ба дил омаду жо кард, зи жонам бигузашт.

Ба дилам новаки нози ту ажаб жой гирифт,

Ба гул теги ту чун оби равонам бигузашт.

Ишратий, умр чу барқ ба назар жилва намуд,

Ман надонам ки чи вақт омад, онам бигузашт.

Таржимаси:

¹ Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг туган ўрни....док.диссерт. –Т,2007, -Б.242.

² Юкоридаги адабиёт, -Б.243.

Хазон фаслим ўтганда, гул мавсуми етишди,
 Гофил кўзларим очдим: баҳорим ҳам ўтибдир.
 Кўнглим муроди учун ул ишни рўёбга чиқаролмадим,
 Умрим эса бошқа муродларим фикрида ўтди.
 Қошлари ё нигоҳидан жисмимга тегди тиглар,
 Ким кўнгилга йўл топдию, жон-жонимдан ўтди.
 Юрагимдан нозинг пайконлари хуш жой тутмишлар,
 Ким гулга ҳам тигинг обиравондек туюлибдур
 Эй, Ишратий, умр ҳам лаҳзалик чақмоқдек юз очибдир,
 Мен эса билолмасмен қайси дамларда ул-да ўтди¹.

Бундан ташқари, ўз даврининг нуфузли диний уламоларидан ҳисобланган жўйбор хожаларининг мавқеи қозоқ ҳукмдорлари орасида ҳам юқори бўлган. Жумладан Шиғойхон ва Таваккалхонларнинг жўйбор шайхларига нисбатан эътиқоди баланд бўлган ва ўзларини уларнинг муриди деб ҳисоблашган. Буни Хожа Саъд номига бағишлаб ёзиб жўнатилган рубоийлар тасдиқлайди. Бадриддин Кашмирий ўзининг асарига айнан Таваккалхон томонидан ёзилган рубоийни ҳам киритган².

Ҳофиз Танишнинг «Абдулланом» асарида Шиғойхон ва Таваккалхонларнинг Абдуллахон II номига бағишлаб ёзган маснавийлари тўғрисида ҳам маълумот берилган³.

Хорижлик олим Р. Макчезни жўйборийлар ҳақида ёзилган асарларни санар экан, улар ичида балхлик Амир Ҳайдар Балхий Давлатободийнинг ҳам

¹ Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни....док.диссерт. –Т,2007, --Б. 243,244.

² Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзоди. - Т., 2005. --Б.139,140.

³ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. 2-китоб.-Т,2000. -- Б. 14.

шу ҳақида иккита мақомот ёзгани, улардан бири Хожа Саъдга бағишланганини ёзади¹. Ушбу маълумотдан билиш мумкинки, бу даврдаги адабий жараёнларда жўйбор хожаларининг таъсири катта бўлган, шоир ва адиблар уларнинг кўмаги остида ва улардан рухланиб юқоридаги каби асарлар яратганлар.

Бу даврда Бухоро ва Ёркенд давлатлари ўртасида ҳам маданий алоқалар диний уламолар туфайли янада ривожланган. Бу ўринда Марказий Осиё халқларининг Макка, яъни ҳаж зиёратига боришида Қашғар транзит йўли воситасини ўтаганлиги ҳақидаги Муҳаммад Аъзамнинг «Қавоид ал-машойих» асарида ёзиб қолдирган маълумоти ҳам диққатга сазовордир. Унинг гувоҳлик беришича, бу вақтда (XVI асрда) ислом динидаги шиа ва сунна мазҳаблари ўртасида юзага келган келишмовчиликлар зиёратчиларни Эрон ва Туркия орқали сафар қилишига тўсқинлик қилган². Шу сабабдан марказий осийликлар ҳаж зиёратига Ёркенд хонлиги орқали боришга мажбур бўлишган. Бу ҳолат Ёркенд хонлигида ислом дини ва сўфийлик тариқатининг янада кенг ёйилишига олиб келган. Мовароуннаҳрлик сўфийлик тариқати вакиллари Ёркенд хонлигига ташриф буюришиб, бу ерда ташвиқот ишларини олиб боришган. Ўз ўрнида Ёркенд хонларининг мовароуннаҳрлик уламоларга нисбатан эътиқоди баланд бўлганлигини Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асаридаги маълумотлар ва Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат ар-ризвон...» қўлёзма манбасидаги жўйбор хожалари номига Ёркенд хонлари ва ҳокимлари томонидан жўнатилган хатлар исботлаши билан бирга, икки давлат ўртасида илмий-маданий алоқалар олиб борилганлигини тасдиқлайди³.

¹ MkChesny R. Juybaris...-New York.-P.262

² Саидахмедов И.А., Юнусходжаева М.Ю., Астанова Г.Ю. Агиографические сочинения как источник для изучения духовной и политической жизни Восточного Туркестана. -С.155.

³ Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан... номзоди. - Т., 2005. -Б.141,142.

Хулоса

Нақшбандия сўфийлик тариқатига XIV асрда ҳозирги Бухоро вилояти ҳудудида асос солинди, бу тариқат кейинги асрларда диний уламолар, шайхлар ва беҳисоб муридлар орқали Марказий Осиё ва ундан четда ҳам маълум бўлди. Нақшбандия тариқати XVI асрда Хожа Муҳаммад ал-Боқий Кобулий (Хожа Боқибилло) Ҳиндистонга боргандан сўнг Ҳинд тупроғида ҳам авж олди. Унинг шогирди Хожа Аҳмад Форук Сирҳиндий ҳам Нақшбандия таълимотининг XVII асрда Ҳиндистонда ёйилишида катта роль ўйнаган. Шундай қилиб Ҳазрати Баҳоваддин Нақшбанд томонидан асосланган Нақшбандия таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида катта ўрин эгаллади. Ушбу тариқатнинг маънавий жиҳатдан меросхўрлари ҳисобланган Бухоролик диний уламолар эса юқорида қайд этилган ҳудудларнинг нафақат маънавий маданий, балки сиёсий ҳаётида ҳам катта таъсирга эга эдилар. Айнан улар ёрдамида ислом динининг асослари ривожлантирилди, халқчиллаштирилди ва, Қозоқ хонлиги, Мўғулистон каби давлатлар аҳолисининг катта қисми томонидан ислом дини қабул қилинди.

Аввал таъкидланганидек, Бухоронинг қўшни ва бошқа турли чет давлатлар билан ўзаро дипломатик муносабатларни ўрнатишида ва олиб борган савдо-иқтисодий алоқаларида, уларнинг кейинги тараққиётида хонликда яшаган турли ижтимоий табақа вакиллари катта рол ўйнади. Хусусан бу ўринда савдогарлар, диний уламолар ва маъмурий бошқарув

тизимининг айрим вакилларини санаб ўтиш ўринли. Бу даврда хонлик пойтахти Бухоро ислом динининг маданий марказларидан бири сифатида эътироф этилган ва ўз-ўзидан алоҳида ижтимоий қатлам ҳисобланган диний уламолар хонликда юқори мавқега эга бўлганлар. Уларнинг мамлакат ичкарасида олиб борган кенг кўламдаги фаолияти хонликнинг ташқи алоқаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Диний уламоларнинг мусулмон оламидаги мавқеларидан фойдаланиб, Бухоро ҳукмдорлари улардан турли элчиликлар, дипломатик миссияларда ҳам фойдаланганлар. Буни хонликда юқори мавқега эга бўлган нақшбандия тариқати вакили Хожа Саъднинг иккинчи ўғли Абдурахим Хожа фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Айнан унинг ҳаракати туфайли Бухоро билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар муайян муддат барқарорлашган.

Умуман олганда диний уламоларнинг хонлик ташқи алоқаларидаги ролини қуйидаги жиҳатларда кўриш мумкин.

1. Ташқи сиёсий алоқалардаги иштироки. Манба ва адабиётлардаги маълумотларга кўра бу соҳадаги фаолиятларини 2 турга ажратиш мумкин:

А) Элчилик. 1572 йилда Абдуллахон II Хожа Алтамиш номли диний уламони Акбаршоҳ саройига илк бор элчи сифатида юборган. XVII асрда бу фаолиятни юқорида таъкидлаганимиздек, Абдурахим хожа давом эттирган. Нажмиддин хожа мир Асад номли диний уламо эса XIX аср ўрталарида Бухоро амири Музаффарнинг ишончли элчиси бўлган. Нажмиддин хожа амир Музаффар ва рус губернаторлари Кауфман ва Черняевлар ўртасида элчилик миссиясини бажарган.

Б) Хатлар аро алоқалар. XVI-XVIII асрлар давомида Жўйбор хожаларидан Муҳаммад Ислон, Хожа Саъд, Хожа Тожиддин хатлараро ташқи алоқаларда фаол иштирок этдилар. Мавлоно мулло Умар Охунд номли диний уламо эса XVIII аср бошларида барча сунний

мазҳабли диний уламолар номидан хуросонлик шиаларнинг диний хуружларига хат орқали муносиб жавоб қайтарган.

2. Иқтисодий алоқалардаги роли. Сиёсий нуфуздан келиб чиқиб, Жўйбор хожалари хонлик ташқи иқтисодий алоқаларига ҳам катта таъсир ўтказди. Хожалар қўл остидаги карвонсаройлар, бозорлар, савдо карвонлари хонликнинг Москва, Қозоғистон, Ҳиндистон, Хитой, Туркия билан савдо иқтисодий алоқаларининг ривожланишига сабаб бўлди.

3. Маданий алоқаларда иштироки. Жўйбор хожалари ҳомийлиги туфайли бир неча янги асарлар дунёга келди. Булар Бадриддин Кашмирийнинг “Равзат ар-ризвон, ҳадиқат ал-ғилмон”, Ҳусайн ас-Сарахсийнинг “Маноқиби саъдия”, Муҳаммад Абу Толибнинг “Матлаб ат-толибин” асарларидир. Бухоро хонлиги XIX аср ўрталарига қадар маданий марказ сифатида ўз нуфузини йўқотмади, хонлик мадрасаларида дарс берувчи диний уламолар эса Афғонистон, Ҳиндистон, Қошғар ва Туркия каби давлатлардан келган толиби илмларга сабоқ бериш орқали ташқи маданий алоқаларга таъсир ўтказганлар.

Улар давлатлараро низоларга ҳам сабабчи бўлган. Масалан, Жўйбор хожаси Хожа Саъд ўз шахсий манфаатлари туфайли хонликнинг Марв ҳокими билан муносабатлари бузилиши ва уруш келиб чиқиши сабабчиси бўлди. Бундан ташқари мазҳаблар ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли сунний мазҳабли диний уламолар Хуросон ва Эрон билан Бухоро хонлиги ўртасида муносабатларнинг совуқлашувига сабаб бўлдилар. Бу эса ўз навбатида Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг хонликка қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлаши ва уни босиб олишига сабаб бўлган десак янглишмаймиз.

Хулоса қилиб айтганда диний уламоларнинг воситачилик ва мурасасозлик фаолияти туфайли кўп ҳолларда ҳукмдорлар ўртасида ўзаро келишув сулҳлари тузилган, натижада кераксиз урушлар ва ортиқча қон тўкилишларининг олди олинган.

Хонликда юқори мавқега эга бўлган жўйбор хожаларининг тадбиркорлик ва савдо-сотик фаолияти туфайли халқаро савдо ривожланган, карвонлар қатнови ва хавфсизлиги таъминланган.

Шунингдек, Нақшбандия тариқатининг Марказий Осиёда нуфузи ошган ва бу тариқат қўшни давлатларга ҳам, масалан, Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Мўғулистон ва Қозоғистонга тарқалган.

Диний уламолар, тариқат вакиллари ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи асарлар дунёга келди. Уларнинг аксарияти нафақат сўфийлар ҳаёти, балки ўз даври тарихи тўғрисида маълумот берувчи нодир манбалардир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Тадқиқотга назарий асос бўлган адабиётлар

1. Каримов И.А. Йўлимиз – мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. - Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 38 б.
2. Каримов И.А. Мақсадимиз – тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик. - Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 46 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - 364 б.
4. Каримов И.А. Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди. (ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ 1996 й. 24 апрель). // «Халқ сўзи», 1996. 25 апрель.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.

6. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкуриси халқни – халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин. («Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоб) - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 37 б.
7. Каримов И.А. Буюк Ипак йўли – тараққиёт йўли (Кавказ-Осиё ТРАССЕКА) Транспорт тармоғини ривожлантиришга бағишланган анжуманда сўзланган нутқ, 1998, 8 сентябрь) // «Халқ сўзи». 1998. 10 сентябрь.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Биз ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. Т. 7. Б. 132-154.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 683 б.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 45 б.

II. Манбалар

1. Абдуррахман-и Тали. История Абулфайзхана. – Т. 1959.
2. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. - С. 103-104.
3. Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию.(1558-1560г.г.) / Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. Пер. с англ. Ю.В. Готье. Введение Г. Новицкого. – Ленинград: Печатный двор, 1937. - 308 с.
4. Мирза Мухаммад Хайдар. Та’рих-и Рашиди. / Введение, перевод с перс. А. Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой. Примечания и указатели Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой. – Ташкент: Фан, 1996. - 527 с.
5. Мирза Абдал азим Сами.«Тарих-и салатини мангитийа» Издание текста, предисловие, перевод и примечания Л.М. Епифановой. Издательство восточной литературы. – Москва, -1962.

6. Муҳаммад Ҳайдар мирзо “Тарихи Рашидий” / Кириш, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари, таржимонлар: Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова. -Тошкент, ШАРҚ. 2010.-720 б.
7. Мир Мухаммед Амин Бухари.”Убайдулланаме” Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А.Семенова. Издательство Академии Наук УзССР, -Ташкент, 1957.
8. Мухаммед Юсуф Мунши. “Муким-ханская история” Перевод с таджикского, предисловие, примечания Издательство Академии Наук УзССР, Ташкент-1956.-303 с.
9. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланоме / Иккинчи нашр, тайёрловчи академик Б. Аҳмедов. - Тошкент: Шарқ, 1999. 1-китоб. - 414 б;
10. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланоме. 2-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 287 б.
11. Фазлаллах ибн Рузбихан Исфахани. Михман-наме-йи Бухара. («Записки бухарского гостя») / Перевод, предисловие и примечания. Р.П. Джалиловой, под ред. А.К. Арендса. - Москва, 1976. – 527 с.

III. Илмий адабиётлар

1. Абусеитова М.Х. Казахстан и Центральная Азия в XV-XVII веках: История, политика, дипломатия. – Алм-Ата: Дайк Пресс, 2000.
2. Adshead.S.M.Central Asia in world history. /Indiana University,1993/. - P.151.
3. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - 430 б.
4. Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. С. 47-49,139.
5. Burton O. The Bukharans: A dinastic, diplomatic and commercial history (1550-1702). - Great Britian: CURZON, 1997. – 664 p.

6. Вяткин В.Л. Шейхи Джуйбари. Ходжа Ислам. Ташкент, 1927.
7. Иванов.П.П. Хозяйство Джуйбарских шейхов. Изд. АН СССР, М-Л, 1954. -377с.
8. Ислон Энциклопедияси,-Тошкент,2003.- Б.87.
9. MkChesny.R. Juybaris.Published by Encyclopaedia. Iranika. Foundation Ink., New York.-P.263
- 10.Маънавият юлдузлари. Маъул муҳаррир: М.М. Хайруллаев.-Т, А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,1999.-400 б.
- 11.Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI веке - Вакфнаме. – Ташкент, 1966. – 354 б.
- 12.Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. – Ташкент: Фан, 1976. – 234 с.
- 13.Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана конца XV-начала XVI вв. - Ташкент: Фан, 1985. – 136 с.
- 14.Саидахмедов И.А., Юнусходжаева М.Ю., Астанова Г.Ю. Агиографические сочинения как источник для изучения духовной и политической жизни Восточного Туркестана. -С.155.
- 15.Сухарева О.А.Бухара XIX-начало XXв.-Москва,1966.Изд."Наука"-330с.
- 16.Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Издательство АН РУз.ССР.-Ташкент,1958.-С.104,105.
- 17.Бартольд В.В. Калмыки / Соч. 9 т. – Москва: Наука, 1963. Т. II (I). С. 96-101.
- 18.Бартольд В.В. Узбекские ханства. Соч. Т. II (I). С. 268-292.
- 19.История Узбекской ССР. Т. 1, книга первая. – Ташкент: Из-во АН УзССР, 1955. – 407 с.

- 20.История Узбекистана. Т. III. (XVI – пер. пол., XIX вв.) / Отв. ред. Р.Г. Мукминова. - Ташкент: Фан, 1993. - 476 с.
- 21.Mukminova.R.G. “Central Asia: History of Civilizations”. / UNESCO Publishing/History of civilizations of Central Asia. Vol.5, 2003
- 22.Ўзбекистон тарихи. Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти. Масъул муҳаррир:Бобобеков Ҳ. Тошкент, Ўз РФА “ФАН” нашриёти, 2007.-471 б.

IV. Диссертация ва авторефератлар

1. Агзамова Г.А. Среднеазиатские центры торговли и пути, связывавшие их Россией (вт. пол. XVI - пер. пол. XIX вв.): Дис. ... кан. истор. наук. – Ташкент, 1990. – 195 с.
2. Саидахмедов И. Письма Шейбанидов - важный исторический источник: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 1994. – 23 с.
3. Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фан.ном....дис.яси.- Тошкент, 2005. -166 б.
4. Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни.Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2007. -49 б.
5. Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI - XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни.Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, 2007.

V. Журналлардаги мақолалар

1. Deweese D. The mashaich-i turk and the Khojagan: rethinking links between Yasavi and Naqshbandi sufi traditions. Jurnal of Islamik Studies.7:2 . 1996;

2. Deweese D. The mashaich-i turk and the Khojagan: rethinking links between Yasavi and Naqshbandi sufi traditions. *Jurnal of Islamik Studies*.7:2 . 1996; the deskendants of Sayyid Ata and the rank of Naqib in Central Asia. *Journal of the American society*. Vol.. 115. No. 4. 1995.–P. 612-634.
3. Scott C. Levi. *Indian Diaspora in Central Asia and its trade, 1550-1900.* – Leiden, 2002;
4. Мукминова Р.Г. Традиции взаимосвязей по Шелковому пути в позднефеодальный период // На среднеазиатских трассах Великого Шелкового Пути (Очерки истории и культуры) – Ташкент: Фан, 1986;
5. Sultanova G.N. Trade relations between Bukhara and Yarkand Khanates in the 16th and early 17th Century’ to be submitted at the *Journal of International Institute Central Asian Studies*.-P.
6. Togan. I. Inner Asian muslim merchants at the closure of the Silk Routes in the seventeenth century.-P.249
7. Тўраев.Х. Ўбекистон тарихи журнали.2005-й,4-сон.Джуйбариды в общественно-политический жизни Бухарского ханства.// Ўбекистон тарихи//2005-й,№4.-С.19-20